Боқий фикр

*Юртинг омон — ўзинг омон.*

Ўзбек халқ мақоли

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 12-yanvar, shanba № 4 (8549)

# ОБОД ВА ФАРОВОН ВАТАНИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни ва барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 21 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўтган тарихан қисқа даврда мураккаб шакланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда сон жиҳатдан ихчам, ҳаракатчан, замонавий талабларга жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга бўлган армия сифатида ўзини намоён этмоқда.

Қуролли Кучларни изчил ислоҳ этиш давомида принципиал янги ташкилий-штат тузилмаларини, ҳарбий бошқарув тизимларини, турли қўшин турлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш механизмларини шакллантириш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни тубдан яхшилаш бўйича кўлами ва маъно-мазмунига кўра улкан ва беқиёс ишлар амалга оширилди.

Дунёдаги вазият шиддат билан ўзгариб, хавфсизликка нисбатан таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Қуролли Кучларни модернизация қилиш ва уларнинг жанговар тайёргарлигини, мамлакатимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажовузга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини оширишни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Юзага келаётган мураккаб шароитда ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиш хавфи, тобора кучайиб бораётган қарама-қаршилик, сиёсий ва диний радикализм ва экстремизм, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда можароларнинг давом этаётгани, биринчи навбатда, АЙСЕФ деб аталмиш халқаро коалицион кучларнинг Афғонистондан 2014 йилгача ва ундан кейин олиб чиқиб кетилиши кўзда тутилаётгани билан боғлиқ равишда кескинликнинг янада ортиб бораётгани жаҳон ҳамжамиятида ҳақли равишда хавотир уйғотмоқда. Бугунги кунда дунёда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий информацион таъсир ўтказиш каби халқаро хавфсизликка нисбатан илгари кўрилмаган хавф-хатарларнинг авж олаётганига етарли баҳо бермасдан, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаш мутлақо мумкин эмас.

Минтақамизда ташқи кучлар ўртасидаги манфаатлар курашининг кучайиб бораётгани вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Чегарага яқин ҳудудларда бузғунчи тўдалар ва қўпорувчи-террорчи гуруҳларнинг фаоллашуви, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, сиёсий ва миллатлараро зиддиятларнинг кескинлашиб бораётгани оқибатида ҳарбий-сиёсий вазиятни издан чиқариш мумкин бўлган жиддий таҳдид ва хатарлар пайдо бўлмоқда.

Сарҳадларимизга бевосита яқин ҳудудларда мураккаб вазият юзага келаётгани, биринчи навбатда, юқорида зикр этилган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда. Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятда катта акс садо бераётган ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолият концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун айнан ана шу мақсадларни амалга оширишга қаратилган.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистоннинг турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслиги, ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга экани, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги, мустақил, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принциплар аниқ-равшан баён этилган.

Айни вақтда Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, мамлакатимиз суверенитети ва унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш борасидаги ишларни давом эттириш ана шу ташқи сиёсий стратегияни изчил амалга ошириш, Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти ва кафолатидир.

(Давоми 2-бетда.)

**"Туркистон" саройида 11 январь куни Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, курсантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ва жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.**

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётни таъминлаш мустақилликнинг дастлабки кунларидан давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Давлатимиз раҳбарининг фармони билан 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. Бу миллий армиямизни шакллантириш, ҳарбий таълим соҳасини ривожлантириш, муддатли ҳарбий хизматга чақирувни ташкил қилиш, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий техника ва қурол-яроғларни сақлаш ва такомиллаштириш каби муҳим вазифаларни бажаришга хизмат қилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1992 йил 14 январдан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказилди. Ўша кундан эътиборан миллий армиямизга асос солинди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мамлакатимиз Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун ташкил этилиши белгилаб қўйилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи экани таъкидланган. Ўзбекистон Республикасининг "Мудофаа тўғрисида"ги ва "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунларида Қуролли Кучларимизнинг ташкилий асослари ўз ифодасини топган.

(Давоми 2-бетда.)

### ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**таълим сифати юксалиши ва ихтиролар юзага келишида муҳим аҳамият касб этаяпти**

**Ҳозирги вақтда талабаларимиз турли тармоқ ишчилари учун махсус кийимнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш, тежамкор технологияларни яратиш, кўп ассортиментли ишлаб чиқариш шароитида тикув-трикотаж буюмлари технологияси, шунингдек, тикув буюмларини ишлаб чиқариш жиҳозларини такомиллаштириш йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.**

7

### ДАХЛДОРЛИК ДАРСИ

**"Маънавият соати"да "Case study" методидан фойдаланиш юзасидан тавсиялар**

**Ислоҳотлар натижасида эришилган ютуқларни аҳоли, айниқса ёшлар орасида халқчил, ҳаётий мисоллар асосида кенг тарғиб этиш бугун сафимизга катта куч бўлиб қўшилаётган ёш авлодни миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз асосида тарбиялаб, ларда ватанпарварлик, яратувчанлик ҳамда шу мукаддас заминимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш каби туйғуларни юксалтиришга хизмат қилади.**

8-9

### ОТА — ОИЛА УСТУНИ

**Бир моҳир ошпазни биламан. У доим тансиқ таом пиширса олдини отасига узатириб юборар ва бу хислатини дўстлари ҳамиша олқишлаб, ибрат олишади. Бу фазилатнинг "илдизи" қайси сеҳрли булоққа бориб туташган экан, дея қизикдим: унинг отаси отасини шундай иззатлаган ва, ўз навбатида, ўғлига нафақат ҳунари, фазилатларини ҳам ҳадя эта олган экан!**

11

# ОБОД ВА ФАРОВОН ВАТАНИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қуролли Кучларни қўллаш стратегияси ва тактикасини янада такомиллаштириш, жанговар операцияларни олиб бориш бўйича замонавий тажрибани чуқур ва пухта эгаллаш, шунингдек, шерикларимиз бўлган мамлакатлардаги ўқув ва тадқиқот марказларида қўмондонлик таркибининг малака ошириши бўйича узоқ муддатга мўлжалланган режаларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат чегараларимизни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, бўлинмаларни реал вақт мезонлари асосида самарали бошқариш имконини берадиган замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларини қўшинларни бошқариш тизимига кенг жорий этиш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш даркор.

Қўшинларнинг ўқув, жанговар тайёргарлиги маъно-мазмунини тубдан ўзгартириш Қуролли Кучлар қўмондонлигининг устувор вазифаси ҳисобланади. Тезкор-тактик, қўмондонлик-штаб ўқув машқларини пухта режалаштириш, уларни жанговар шароитларга имкон қадар тўла яқинлаштирган ҳолда олиб бориш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам ғоят жиддий эътиборни талаб қилмоқда. Ўқув машқлари давомида моделлаштириш ва симуляция усулларидан фаол ва кенг фойдаланиш, мамлакатимиз ҳудудига суқилиб киришга уринадиган бузғунчи тўдалар, қўпорувчи-террорчи гуруҳларни бартараф этиш бўйича жанговар операцияларни олиб боришнинг турли модель ҳамда вариантларини синаб кўриш муҳим аҳамиятга эга.

Қуролли Кучларни замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан қайта таъминлашни давом эттириш доимий эътиборимиз марказида бўлиши шарт. Бу соҳада шерикларимиз бўлган хорижий мамлакатлар билан халқаро ҳарбий-техник ҳамкорликни яхшилаш ва унинг кўламини кенгайтириш зарур.

Ҳарбий кадрлар, биринчи навбатда, чуқур билимга эга бўлган ва замонавий фикрлайдиган, интеллектуал етук офицерларни, шунингдек, бугунги кунда армиямизнинг ўзагини ташкил этаётган юксак профессионал малакали кичик командирлар — сержантларни тарбиялаш тизимини тубдан яхшилаш ҳам Қуролли Кучлар қўмондонлиги фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиши даркор.

Бу борада ҳарбий билим юртлари ва сержантлар мактабларида ҳарбий кадрларга ҳарбий соҳа ва ҳарбий санъат ривожидаги асосий тенденцияларни акс эттирадиган, принципиал жиҳатдан янги мутахассислик ва илм-фан йўналишларини жанговар ҳаракатларни олиб боришнинг хорижий тажрибаси, замонавий шакл ва методларини ҳисобга олган ҳолда ўргатиш олдимизда турган ишларнинг энг масъулиятли жабҳаси, десам, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Армияда офицерлар, сержантлар ва оддий аскарларда юксак маънавий фазилатлар, мустаҳкам ирода, Ватан тақдири учун масъулият ҳиссини камол топтириш, ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни шакллантиришга қаратилган тарбиявий ишлар тизимини тубдан яхшилаш Қуролли Кучларимиз барча бўғинлари командирларининг алоҳида муҳим вазифасидир.

Шуни яхши англаб олиш керакки, бугунги кунда ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшлар аввалги йиллардаги муддатли ҳарбий хизматчилардан мутлақо фарқ қилади. Ҳозирги вақтда мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда энг замонавий таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб келмоқда. Улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси — ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлардир.

Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг, миллий армиямизнинг ана шундай янги қиёфасини ҳисобга олган ҳолда, эски қолип ва мезонлардан қатъий воз кечиб, мавжуд Умумқўшин уставлари, қўлланмалари, қоида ва йўл-йўриқларини, ўқув-тарбия ишларини, қўшинларнинг жанговар хизмат фаолиятини ташкил этишнинг шакл ва методларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Ушбу йўналишдаги ишларимизнинг бош мақсади Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ёшларда қатъий ирода ва характер, ҳаётий позицияни шакллантириш, уларнинг юксак инсоний фазилатлар соҳиби ва жисмоний чиниққан бўлишларига эришиш, ўз билим ва малакасини такомиллаштириш, фан-техника янгиликларини эгаллаш, мамлакатимизда хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни ҳимоя қилиш борасидаги ўзининг ҳарбий бурчини сидқидилдан адо этиш учун интилиб яшашга хизмат қиладиган муҳитни мустаҳкамлашдан иборат бўлиши керак.

Бу вазифани амалга оширишга Мудофаа вазирлиги қошида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашини, маданият, санъат, спорт намояндалари, мамлакатимиз кенг жамоатчилиги вакилларини фаол жалб этиш лозим.

Юртимизда 2013 йилнинг Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчалар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, уларда бугунги кун талабларига, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган барча қулайликларни яратишга қаратилган давлат дастурларини изчил амалга ошириш Мудофаа вазирлиги, ҳарбий тузилмаларга эга бўлган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий округлар қўмондонлигининг энг муҳим вазифасидир.

Қуролли Кучларимиз олдига қўйилган бундай долзарб вазифаларни амалга ошириш Мудофаа вазирлиги, Бирлашган штаб, ҳарбий округлар ва қўшин турлари қўмондонлари, бригада командирлари, барча офицерлар таркиби томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонининг миллий армиямиз ташкил этилганининг 21 йиллиги байрами муносабати билан қабул қилинган Директивасида баён этилган кўрсатма ва қоидаларни сўзсиз бажаришни тақозо этади.

Ҳурматли ватандошлар!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан сизларни яна бир бор табриклар эканман, бугунги кунда миллий армиямиз сафларида мураккаб ва масъулиятли вазифани, Ватан олдидаги ўзининг муқаддас бурчини шараф билан адо этиб, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб келаётган барча ҳарбий хизматчиларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Янги 2013 йилда сизларга мустаҳкам соғлиқ, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлидаги олижаноб фаолиятингизда ютуқ ва зафарлар, куч-ғайрат, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака ёр бўлишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Армиянинг салоҳияти, аввало, унинг сафларида хизмат қиладиган кучли, садоқатли ва жасур, миллий армиянинг жанговар қудратини оширишга хизмат қиладиган фуқароларга боғлиқдир. Бугунги кунда армиямиз нафақат Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айни пайтда у ҳарбийларимизда мустаҳкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклланадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий ҳаёт мактабига айланган. Муддатли ҳарбий хизматга чақирув чоғида чақирилувчиларнинг соғлиғи, билим ва кўникмалари, дунёқараши синовдан ўтказилаётгани Қуролли Кучларимиз нуфузи ва қудратини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Армия сафларида аскарлар жанговар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисосликларни ўзлаштирмоқда. Ахборот-компьютер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий шакл ва услублари бўйича билимини оширмоқда. Замонавий қурол-яроғларни ишлатишни, ҳарбий тактикани пухта эгаллаб, том маънода ҳарбий санъатни ўрганмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида муддатли ҳарбий хизматга чақирув йилига бир марта — февраль-март ойларида ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ амалдаги имтиёзлар кенгайтирилди ва янада такомиллаштирилди. Бу ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматни ўташ чоғида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, миллий армиямиз сафларини жисмонан бақувват, маънавий етук ёшлар билан тўлдиришга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитини яхшилаш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 10 январдаги фармонига мувофиқ Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Энг илғор мутахассис" танлови якунлари бўйича 2012 йилдаги энг илғор взвод, гуруҳ командирлари ва энг илғор сержантлар аниқланди. Мазкур танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси, сержантлар тайёрлаш мактаби ҳам мукофотланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Иқбол Мирзо, Тошкент шаҳридаги 223-ўрта мактаб ўқитувчиси, аскар онаси Аззатжон Каримова, II даражали "Шон-шараф" ордени соҳиби, подполковник Зокир Сайфудинов, "Жасорат" медали соҳиби, шартнома бўйича хизмат қилаётган оддий аскар Эркин Темиров тадбир қатнашчиларини Ватан ҳимоячилари куни байрами билан табриклаб, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовга ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этдилар.

Тантанали маросимда байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ВАТАНГА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

## 12 январь — "Ватанга қасамёд" монументи очилган кун

***Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик халқимизнинг энг катта бойлигидир. Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида барпо этилган миллий армиямиз бу улуғ неъматнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.***

Қуролли Кучларимизни ислоҳ этиш жараёнида уни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, ҳарбийларнинг жанговар қобилият ва тайёргарлигини ошириш билан бирга, миллий армиямиздаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан яхшилаш, ҳарбийларнинг маънавий оламини юксалтириш ҳамда руҳан тоблантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилган ва 2010 йил 12 январда пойтахтимизда очилган "Ватанга қасамёд" монументи ўзида ана шундай чуқур ҳаётий фалсафани, теран маъно-мазмунни ифода этади.

Президентимиз таъкидлаганидек, бу бетакрор мажмуани бир кўрган одам, юраги жизиллаб, унинг маъносини тушуниб, англаб, бу ҳайкални аввалгидек Ватанга садоқат, мардлик ва жасорат мадҳияси, эл-юрт ҳимоячиси бўлган фидойи инсонларга қўйилган гўзал бадиий обида сифатида қабул қилади.

Бу мажмуада азамат ўғлон давлатимиз тимсоли — байроғимизни ўпиб, Ватан ҳимояси учун, қутлуғ заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилаётгани ифода этилган. Она Ватан тимсоли — мўътабар она ҳарбий хизматга отланган азиз фарзандига фотиҳа бериб, оқ йўл тиламоқда.

Ушбу ҳайкал сиймосида Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга тайёргарлик кўраётган минг-минглаб шижоатли ёшларимизнинг юксак орзу-интилишлари ўз аксини топган.

Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланаётган шу кунларда "Ватанга қасамёд" ҳайкали атрофи ҳар қачонгидан гавжум. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонлар бу муаззам монументни зиёрат қилар экан, унинг тимсолида жисмонан ва маънан етук, эл-юртимизга садоқатли ва мард йигитларимизни кўргандек бўлади.

— Ушбу монумент олдида ҳарбий қасамёд қабул қиларканмиз, халқимизнинг ишончи бизга ҳамиша мададкор бўлишига яна бир карра амин бўлдим, — дейди оддий аскар Жасур Норбеков. — Мазкур ҳайкал биз, ёшларга ўз аҳдимизга содиқ туриш масъулиятини доим эслатиб туради, эл-юртимизга муносиб бўлишга ундайди.

Ёш авлодни миллий ғоя, мардлик ва матонат руҳида тарбиялашда улар учун маънавий ибрат бўлиб хизмат қиладиган бундай таъсирчан бадиий тимсолларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс, албатта. Айни пайтда "Ватанга қасамёд" ҳайкали олий ҳарбий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнида, хусусан, курсантларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини юксалтиришда ўзига хос монументал дарсликдир.

Ҳар томонлама ҳаётий асосга, катта тарбиявий аҳамиятга эга бу муҳташам монумент шу юртда униб-ўсган, унинг бугунги ва эртанги кунини ўйлаб яшаётган ҳар бир инсонни фикрлашга, осуда, хотиржам ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишга ундайди. Ёш авлодни мард ва жасур, Ватанга садоқатли ва мустаҳкам иродали этиб тарбиялашга хизмат қилади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**
**Аскар ЁҚУБОВ (ЎзА)**
**олган сурат**

***14-yanvar — Vatan himoyachilari kuni***

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан пойтахтимиздаги Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида "Мардлар қўриқлайди Ватанни" шиори остида қўшиқлар танловининг шаҳар босқичи Учтепа туманидаги 16-БМСМда бўлиб ўтди.**

# ҚАЛБЛАРНИ ҒУРУРГА ТЎЛДИРИБ

*Tanlov*

— Мустақил давлатимизнинг си, Ватан шаънини юксакларга кўтарувчи мард ўғлонлари бор, — дейди 16-БМСМ директори Комилжон Йўлдошев. — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган ушбу танловда уларни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради. Бугунги беллашувнинг барча иштирокчилари ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, танловда фаол қатнашдилар.

Танлов сўнгида юрт тинчлиги, Ватан ободлиги ҳақида юқори маҳорат билан қўшиқ куйлаган ғолиблар номи эълон қилинди. Жумладан, 1-БМСМ ўқувчиси Сабина Мустафоева Гран-Прини қўлга киритди. Шунингдек, 1-ўринга трио йўналишида қўшиқ куйлаган 16-БМСМ ўқувчилари Муслима Ҳусниддинова, Тимур Обухов, Владислав Пак, 20-БМСМ ўқувчилари Жаҳонгир Қурбоналиев, Азизхўжа Нўъмонхўжаев, Асадбек Олимов ҳамда Лазиза Усмонова лойиқ деб топилди.

Барча ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Гулюз ОРИФЖОНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**
**Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

# ЖАЖЖИ ПОСБОНЛАР БЕЛЛАШДИ

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Чилонзор туманидаги 534-мактабгача таълим муассасасида байрам тадбири бўлиб ўтди. Инобат Зоитова бошчилигидаги тайёрлов гуруҳидаги ўғил болалар 2 гуруҳга бўлинган ҳолда беллашдилар. Гуруҳдаги қизалоқлар эса миллий либосларда ажойиб рақслар намойиш этишди.**

Бугунги кунда 337 нафар бола тарбияланаётган ушбу муассасада мусиқа раҳбарлари Ирода Маликова ва Гулжаҳон Саидалиева бола жонларга куй-қўшиқлари, рақсларни ўргатишда бош-қош бўлди.

— Ўсиб келаётган ёш авлод қалбида она юртга садоқат, мардлик ва фидойиликни шакллантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳар биримизнинг вазифамиз. Бугунги талбир эса ана шундай фазилатларнинг фарзандларимиз қалбига жо бўлишига хизмат қилди, — дейди муассаса раҳбари Нодира Тиллашайхова.

"Лочин" ҳамда "Бургут" жамоалари танишув, коптокни оёқлари орасига қўйиб югуриш, қумли халтачаларни ҳалқага отиш, қопда югуриш каби бир-биридан қизиқарли шартларни берилиб бажардилар. Мурғак жуссаси билан тўсиқлардан сакраб, жамоаси шаънини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилаётган болажонларни кузатиб, беихтиёр уларнинг ҳаяжонига шерик бўласиз.

**Назокат ХОЛМЕТОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**
**В.ГРАНКИН олган сурат.**

## Yangiliklarda yurt nafasi

**Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрида "Обод кўнгил — фаровон ҳаёт" деб номланган академик концерт бўлиб ўтди.**

Кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилган мазкур концертда Ғарб ва Шарқнинг мумтоз куй-қўшиқлари таниқли ва ёш санъаткорлар томонидан юксак маҳорат билан ижро этилди.

Наманган санъат коллежи камер оркестри ижросидаги жаҳон мусиқа санъати хазинасидан жой олган мумтоз асарлар, ўзбек мумтоз куй ва қўшиқлари, замонавий лирик тароналар томошабинларга кўтаринки руҳ ва хуш кайфият бағишлади.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур концерт халқимиз маънавиятини юксалтириш, адабиёт ва миллий санъатимизни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

**Бухорода 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Биз — Ватан ҳимоячиларимиз!" шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик фестивали ўтказилди.**

Тадбир қатнашчилари вилоят марказий маданият ва истироҳат боғи ҳудудида жойлашган Хотира хиёбонини зиёрат қилдилар. Бухоро шаҳрида барпо этилган 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда "Дилкушо" теннис мажмуасида ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

— Ушбу фестиваль биз, ёшларда катта таассурот қолдирди, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири Иззатулла Тошпўлатов. — Айниқса, вилоят мусиқали драма театрида ҳарбийлар ҳаётига бағишланган спектаклни қизиқиб томоша қилдик. Отам ҳарбий хизматчи. Мен ҳам келажакда ҳарбий бўлиб, Ватанимизга хизмат қилмоқчиман.

**Ўзбекистон тарихи давлат музейида 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.**

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ва Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ижодкорлар ва маънавият тарғиботчилари, ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Тадбирда ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга бўлган қизиқиш, Куролли Кучларимизнинг нуфузини янада оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди. Ватан ҳимоячиларига бағишланган шеърлар ва куй-қўшиқлар тадбирга файз бағишлади

**Элликқалъа туманининг "Сарибий" овулида туманлараро сил касалликлари диспансери фойдаланишга топширилди.**

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Д.Ҳажиев, Элликқалъа тумани ҳокими Н.Худойберганов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, шифо масканлари фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 3 қаватли ушбу тиббиёт маскани Элликқалъа, Тўрткўл ва Беруний туманлари аҳолисига хизмат кўрсатади.

**Тошкент вилояти Қибрай туманида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигини янада яхшилашга бағишланган семинар ўтказилди.**

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди, вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда шаҳар ва туманлардаги билим даргоҳлари раҳбарлари ва психологлари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, таълим муассасаларида кўрсатиладиган ижтимоий-психологик хизматнинг мақсад ҳамда вазифалари, ўқувчилар маънавияти ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

**ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.**

# Ўқув амалиёти машғулотлари

## унда инновацион технологиялардан унумли фойдаланилмоқда

**Олмазор енгил саноат касб-ҳунар коллежида "Енгил саноат йўналишидаги ўқув-амалий машғулотларни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш" мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

*Seminar*

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази масъул ходимлари, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси вакиллари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари маслаҳатчи-методистлари ҳамда республикамиздаги соҳага ихтисослашган касб-ҳунар коллежларининг 130га яқин педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталари иштирок этди.

Тадбир аввалида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори Ж.Исмоилов сўзга чиқиб, мазкур семинардан кўзланган мақсад ва келгусидаги вазифалар хусусида батафсил сўз юритди. Шундан сўнг "Ўзбекенгилсаноат" ДАК кадрлар бошқармаси бошлиғи Ш.Қосимов соҳадаги ўзгариш ва янгиликлар, меҳнат бозорида соҳа кадрларига эҳтиёж, уларга қўйиладиган талаблар ҳақида гапириб ўтди.

"Ўзбекенгилсаноат" тизимидаги кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарида бугун минглаб ёшларимиз, айниқса, қизлар ўз танлаган касби бўйича ишламоқда. Жумладан, 2011-2012 ўқув йилида битирувчиларнинг 43026 нафари мазкур тизим корхоналарига ишга жойлашган. Шунингдек, коллеж-корхона ҳамкорлиги доирасида олиб борилаётган қатор чора-тадбирлар ҳам ўқувчиларнинг мустаҳкам касбий билим, малака ва кўникмага эга бўлишлари учун хизмат қилмоқда.

Тадбир давомида ўқув амалиётини ташкил этиш учун зарур ўқув-меъёрий ҳужжатлар ва услубий қўлланмалар ҳамда хомашёдан самарали фойдаланишни ташкил этиш юзасидан маърузалар тингланди.

Семинар якунида меҳмонлар Олмазор енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари томонидан тайёрланган ижодий ишлар билан яқиндан танишишди.

**Аброр УМАРҚУЛОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# Миллий қадриятлар ёшлар нигоҳида

**Қишки таътил кунларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида Юнусобод туманидаги 271-умумтаълим мактабида "Ақлга билим — қалбга маънавият" шиори остида семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Тадбир давомида ўқувчилар жами 6та гуруҳга бўлинган ҳолда психологик тренинглар, маҳорат дарслари, спорт тадбирларида қатнашишди.

— Бугунги ахборот асрида ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимиз аҳамиятини сингдириш жуда муҳим, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Маъсуда Одилова. — Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган бундай тадбирлар ёшларда турли ғоявий хуружларга қарши маънавий иммунитетни шакллантириши шубҳасиз.

**Садоқат АЛИЖОНОВА,**
**талаба**

# Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

**Олмазор туманидаги 234-умумтаълим мактабида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" мавзусида тадбир ташкил этилди.**

*Tadbir*

— Бундай тадбирларга ўқувчиларнинг қизиқиши юқори, — дейди мактаб ўқитувчиси Умида Раҳимова. — Улар тайёргарлик жараёнида ўзлари ҳам шеър ва қўшиқлар ёдлаб келишди. Болаларнинг кўтаринки кайфияти 14 январь муқаддас сана эканлигини англаганларидан. Бугун тадбирни завқ-шавқ билан ўтказаётган ўқувчилар эртага Ватан тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилиши, ватанпарвар бўлиб камол топиши, шубҳасиз. Синфларда очиқ тарбиявий соатлар ташкил этилиб, деворий газета ва буклетлар тайёрланди.

**Баҳодир ҲАЛИМОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# Обод юртнинг бахтли болаларимиз

**Миробод тумани ҳокимлиги ҳамда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида *"Ақлга билим, қалбга маънавият"* шиори остида 110-мактабда "Обод юртнинг бахтли болаларимиз" мавзусида фестиваль ўтказилди.**

*Festival*

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларни Ватанга, миллий ва умумбашарий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда ўқувчиларда ўзлигини англаш, фикрини мустақил ифодалай олиш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг руҳий-маънавий дунёсини бойитишга қаратилган "Келажак бизнинг қўлимизда", "Ўзингни англа", "Замонавий ўқувчи қиёфаси" "Менинг ҳуқуқ ва бурчларим" каби мавзуларда тренинг машғулотлари олиб борилди.

"Қувноқ стартлар" ўйини, баскетбол ҳамда стол тенниси бўйича ўтказилган мусобақа ҳам ёшларнинг маънавий баркамоллик билан жисмоний етуклик чамбарчас боғлиқ эканини англаб етишларига ёрдам берди.

**Ғолиб БАҲРОМОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# Қишда илиқ кайфият билан

**Республика болалар кутубхонасида "Раъностудия" ижодий жамоаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун хайрия тадбири уюштирилди.**

— Болаларнинг таътил вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг китобга меҳрини уйғотиш мақсадида ташкил этилган хайрия тадбиримиз бу гал кўтаринки руҳда ўтаяпти, — дейди студия раҳбари Раъно Ортиқова. — Бир неча йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур тадбирда куй-қўшиқларимиз билан болаларга завқ улашаяпмиз. Бу эса тарбияланувчиларда аъло кайфият уйғотди. Тадбирда болалар ўз хоҳишидан келиб чиқиб, касб танлашга оид қизиқарли ўйинларда иштирок этдилар.

Тадбирда ҳомийлар томонидан болаларга турли совғалар топширилди.

**Б.ҲАЛИМОВ**

*Maktab muhiti*

# РАҲБАРНИНГ АХБОРОТ МАДАНИЯТИ

## самарали бошқарув кафолати

**Мактаб директорининг фаолияти ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, уни янада такомиллаштириш, раҳбар имижини шакллантириш, бошқарувнинг энг самарали методларини ҳаётга татбиқ этиш таълим-тарбия ривожининг кафолатидир. Бу ўринда бошқарувда ахборотнинг роли, у билан ишлаш ҳамда ундан самарали фойдаланиш каби йўналишлар муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бошқарувни ахборотнинг узлуксиз келиб туриши ва муайян алмашувисиз тасаввур қилиш қийин. Шу маънода иш фаолиятимизда ахборот олиш, сақлаш, узатиш, унга ишлов бериш учун кўплаб воситалар яратилган ва яратилмоқда. Демак, бошқарув тўла-тўкис ахборот алоқаларига таянади.**

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, замонавий мактаб раҳбари иш вақтининг 50—90 фоизини йиғилиш, мажлис, анжуман, учрашув, суҳбат, музокара, мурожаат этувчиларни қабул қилиш, турли ҳужжатларни тайёрлаш ва ўқиш жараёнида юз берадиган ахборот алмашувига сарфлайди. Бу — ҳаётий зарурат. Чунки ахборот бугунги кунда таълим муассасасини ривожлантиришнинг энг муҳим омилига айланди. Бундай шароитда ахборотга эгалик қилиш иш самарадорлигини белгилайди. Қолаверса, аниқ ҳукмронлик қилишни ҳам англатади. Шу боис, кўпинча информацияни пинҳон тутишга, ундан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга уринишлар учрайди. Ахборот етишмовчилиги шароитида эса бошқарув тизгинини бой бериш ҳеч гап эмас.

Илмий ёндашганда, бошқарув — энг аввало, раҳбар фаолияти, қолаверса, меҳнат, унинг предмети, воситаси, камчилик, натижа ва самарадорлигидир. Бу тушунча кишиларнинг бирлашув заруриятидан вужудга келади. Субъектнинг мақсадга йўналтирилган таъсири бошқарув объекти ҳисобланади. Ушбу таъсир моҳиятан икки хусусиятга эга: бир томондан, раҳбарнинг аниқ фаолияти орқали амалга оширилса, бошқа томондан, ахборот-бошқарув жараёнидир. Биз сўз юритаётган мавзуга дахлдор иккинчи жиҳат ҳаётга татбиқ этиш учун дастур ва қарорлар ишлаб чиқиш, тизимни белгиланган мақсадга мувофиқ ҳолда бошқариш, фаолият натижаларини чиқариш, ижтимоий ахборотларни мунтазам олиш, ишлов бериш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ.

Қуйидагилар бошқарувнинг бош омилларидир:

— мақсад ва вазифаларни аниқлаш, баҳоларни ишлаб чиқиш, қарорлар қабул қилиш (таълим муассасаси раҳбари бошқарув фаолиятининг асосий мазмуни сифатида);

— меҳнат тақсимотининг бошқарувда махсус тайёрланган ахборотни талаб қилиши;

— аниқ жараённи бошқаришда мураккаб тузилмага эга жамоанинг фаолияти, яъни бошқарув субъекти тўғрисидаги ахборотга бўлган зарурат;

— ташқи алоқалар ва ахборот сони кескин ортиши.

Айтиш жоизки, бугун айрим мактабларда зарур ахборотга эҳтиёж етарли даражада қондирилмаган. Ўз навбатида, ахборот билан ишлаш маданиятига эга бўлмаган, эҳтиёжларини аниқ шакллантира олмайдиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас.

Хўш, замонавий мактаб раҳбарлари фаолиятда асосан қандай қийинчиликларга дуч келмоқда? Саволга жавоб излаш ҳамда таълим муассасаси, унинг айрим бўғинларини бошқаришдаги субъектив тўсиқларни ўрганиш мақсадида мактаб директорлари ва ўринбосарларидан бир гуруҳи ўртасида сўровнома ўтказдик. Натижаларга кўра, 320 нафар раҳбар кадрдан аксарияти бошқарув фаолияти натижасида жорий ўқув йили охирига қадар ўзлари яратмоқчи бўлган реал мактаб қиёфасини тасвирлашга қийналди. Бор-йўғи 27 фоиз иштирокчи ўз режалари мактаб тараққиёт дастури ва прогнозларига боғлиқлигини билдирди. Бу айрим раҳбарлар ўз фаолиятининг мақсадини аниқ билмаслиги, лавозимда ўзини бошқаришга қийналиши, яъни зарур ахборотлардан оқилона фойдалана олмаслигидан далолатдир.

Бошқарув субъектидаги ахборот номукаммал, нохолис, юзаки бўлса, бошқарув қарори субъективизм ва асоссизликдан зарар кўради, тезкорликка эга бўлмайди. Баъзида ахборотнинг ҳаддан ортиқлиги раҳбарни чалғитади. Шу боис у доимо керакли ва нокерак, фойдали ва бефойда ахборотни бир-биридан ажрата олиши зарур.

Бошқарув ахбороти таълим муассасаси раҳбаридан тизим ходимига бир неча кўриниш ва босқичда етказилади:

— тасодифий ёки мақсадга йўналтирилган, танлаб олинган ёки ялпи, кўрсатма тарзида ёки ташаббусли, эркин ёки муайян мезонларга асосланган ва ҳоказо;

— ахборотни кодлаш (хат, жадвал, чизма шаклида, овозли ёки рамзий шаклда). Бу ахборот олувчи учун қулай ва тушунарли бўлади. Уни узатишда муносиб усул танланади — оғзаки, ёзма, сунъий ишоралар, шартли белгилар ва ҳоказо. Бу борада биргина йўл билан чекланиб қолмаган маъқул. Чунки ҳар бир воқеа учун ҳужжат яратиларверса, ходимлар қоғозга кўмилиб қолиши мумкин;

— маълумотни узатиш;

— уни идрок этиш — қоддан чиқариш, яъни мағзини чақиш.

Раҳбарнинг ахборот маданияти бошқарув маҳсулдорлигида намоён бўлади. Бизнинг ёндашувимизга кўра, бу: таълим-тарбия ривожи йўлида амалга ошириладиган, шакланган ва асосли фаолият; мактабдаги маънавий-ахлоқий муҳит, хайрихоҳлик ҳамда мақбул психологик иқлим; фаолиятда демократик ва инсоний қадриятлар ҳамда тамойилларнинг намоён бўлиши; ўқувчилар ижодий қобилиятини эркин ривожлантиришга интилиш, мактаб директорининг обрўси, унинг ўз фаолияти ва жамоа меҳнатини моҳирона ташкил этишидир.

Мактабдаги асосий ишлаб чиқариш жараёни бўлган таълим-тарбия ҳамда дидактик ва ёрдамчи тузилмаларни, дастурий-услубий таъминотни бошқариш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бу эса жамоатчилик билан ва бошқа ташқи алоқаларни режалаштириш, уларни назорат қилиш, лўнда қилиб айтганда, малакали бошқарувни тақозо этади. Шунингдек, кўпгина мактаблар ўз амалиётига маркетинг бошқарув унсурлари(аҳолининг таълим эҳтиёжларини тадқиқ қилиш, таълим хизматлари бозорини таҳлил этиш ва ҳоказолар)ни олиб кираяпти, инновация жараёнлари кундалик амалиётга айланмоқда. Бу молиявий ва моддий-техник захираларни ҳам бошқариш зарурати ортиб бораётганини кўрсатади.

Бошқарувнинг функционал соҳаларини бу тартибда таснифлаш таълим муассасаси раҳбарига бошқарув субъектлари ўртасида вазифаларни оқилона тақсимлаш ҳамда тарқоқ ва аниқ мақсадларни жамлаш, муассасада ягона мақсадга йўналтирилган жамоа ва соғлом ижодий муҳит яратиш имконини беради. Яъни бошқарув соҳалари ўртасидаги алоқалар белгиланади, бош мақсадга мувофиқ хусусий ва оралиқ мақсадлар шакллантирилади, вазифалар қўйилади, воситалар яратилади, назорат амалга оширилади. Мазкур ёндашувни қуйидаги занжир кўринишида тасаввур қилиш мумкин: қарорлар қабул қилиш ва вазифаларни илгари суриш — ижрочиларга етказиш — тизимнинг ранг ҳалқаларини узлуксиз қўллаш ва таъминлаш — қарорлар ижроси устидан оқилона назорат — келаётган ахборотни ҳисобга олган ҳолда қарор ва вазифаларга тегишли тузатиш ва қўшимчалар киритиш. Раҳбар қўлидаги ахборот қанчалик аниқ ва объектив бўлса, бошқарув мақсадлари, ҳолати, ўзаро алоқасини акс эттирса, вазифалар шунчалик асосланган ва уларга эришиш учун йўналтирилган чора-тадбирлар аниқ бўлади.

Ахборот тизимини шакллантириш — ахборотга ҳақиқий эҳтиёжни ўрганиш ҳамда уни тўлароқ қондиришдир. Ҳозирги вақтда бу ўта муҳим аҳамиятга эга, чунки ахборот истеъмолчилари таркибига таълим жараёнининг барча иштирокчилари фаол қўшилмоқда.

Изланишларимиз асосида ахборот маданияти шакллланган мактаб раҳбари қуйидаги сифатларга эга бўлиши лозим, деган хулосага келдик:

— турли манбалар — даврий матбуот нашрлари ва электрон коммуникация воситаларидан ахборот олиш маҳорати;

— уни тушунарли тарзда тақдим этиш ва ундан самарали фойдаланиш;

— ахборотни таҳлилий қайта ишлаш асосларини ўзлаштириш;

— таълим бошқарувидаги ахборот оқимининг ўзига хосликларини билиш;

— техник қурилмалар(телефон, шахсий компьютер ва компьютер тармоқлари)дан фойдаланиш кўникмаси;

— таълим жараёни ва натижалари тўғрисидаги маълумотларга ишлов беришнинг математик усуллари ва интеллектуал тизимини жорий этиб, бошқарув вазифаларини оқилона ҳал қилиш;

— алгоритмлаш ва автоматлаштириш ҳисобига эскирган иш усулларига барҳам бериш;

— ахборотга компьютерда ишлов бериш ва қоғозли ҳужжатлар ҳажмини камайтириш;

— ахборот алмашувнинг ишончлилигини таъминлаш;

— мактабда ахборот оқими ва ҳужжат айланиш тизимини такомиллаштириш, таълим жараёнига оид ахборотларни йиғиш, ишлов бериш ва узатиш харажатларини камайтириш;

— мактаб ички бошқаруви субъектларининг ахборот эҳтиёжларини қондириш ва ҳоказо.

***Мактаб директорининг ахборот маданияти раҳбар фаолиятидаги шахсий ва касбий жиҳатларни бирлаштириб, бошқарув самарадорлигини таъминлайди. Тадқиқотлардан маълум бўлмоқдаки, ахборот маданияти ривожида ходимларнинг раҳбар фаолиятини қўллаб-қувватлаши, адабиётлар мутолааси, бошқа мактаблардаги ҳамкасблар тажрибаси ҳамда салоҳиятли ходимлар маслаҳати алоҳида ўрин тутади. Шундай экан, ушбу омилларни рағбатлантириш умумтаълим муассасаларида бошқарув фаолиятини сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтариши шубҳасиз.***

**Шукур БУРҲОНОВ,**
**Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ**
**изланувчи-тадқиқотчиси**

*Tajriba*

# "ОЛТИН БАЛИҚЧА"НИНГ СИРИ

## ёхуд бошланғич таълимда нутқни ривожлантириш усуллари

**Ўзаро муомала, фикр алмашишда нутқнинг ўрни катта. Шу боис инсон доимо нутқини ривожлантириб бориши, бунинг учун эса мактаб давридаёқ ўқувчиларни мутолаага ўргатиш керак. Айниқса, бадиий адабиётларни кўп ўқиш ўғил-қизларнинг оғзаки ва ёзма нутқини бойитади, мустақил фикрлашга ўргатади. Бу борада бошланғич таълим муаллимлари зиммасига катта масъулият юкланади. Улар тилнинг лексик ва грамматик жиҳатларини, адабий тил қоидаларини чуқур эгаллаган бўлса, ўқувчиларининг ҳам нутқи равон бўлади. Тажрибамда бу борада қизиқарли усуллардан фойдаланаман.**

**"Олтин балиқча" усули.** Ҳар бир ўғил-қиз ўқиган эртак, бадиий асарлари номи ёзилган карточкаларни олиб келиб, қоғоздан ясалган балиқчанинг ўзи учун ажратилган тангачаси ичига солиб қўяди. Ҳафта якунида эса "Олтин балиқча" томошаси уюштирилади. Энг аввал кимнинг бўлмачасида карточка кўплиги аниқланади. Кейин ҳамма ўзи мутолаа қилган асарни образли тарзда ҳикоя қилиб беради. Болалар иштиёқ билан эртак қаҳрамонига айланишадики, ҳатто уларнинг ижрочилик маҳоратига ҳам тан берасан, киши. Бу каби амалий тажрибалар асосида педагог машғулотни қизиқарли ташкил этиш билан бирга, ёш авлод қалбига инсоний фазилатларни жойлайди. Муҳими, ёшларнинг нутқи равон бўлиб, дунёқараши кенгайишига замин яратилади. Мактаб давридаёқ бадиий адабиётга ошно бўлган ўқувчилар адабий тил меъёрларини ҳам яхши ўзлаштириб олади.

**Театр ойлиги**. Мактаб ёшидаги болажонлар тинглашдан кўра кўпроқ томоша қилишга қизиқишади. Шу боис муассасамизда ноябрь-декабрь ойлари "Театр ойлиги" деб эълон қилинган. Шу муносабат билан ўғил-қизлар иштирокида бир неча бадиий асарларни саҳналаштирдик. Роль ижро этиш асосида уларнинг оғзаки нутқи яхши ривожланаяпти. Шунингдек, адабий талаффуз меъёрлари ва грамматик шакларни тўғри қўллашни ўрганмоқдалар.

Ёшларнинг ёзма нутқини ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ёзма нутқ тилнинг ифода воситаси бўлибгина қолмай, глобаллашув даврида ахборот етказувчи асосий усулга айланаётир. Бунда кўпроқ расм асосида ҳикоя тузиш, иншо ва баён ёзиш яхши самара беради. Дарс жараёни қизиқарли бўлиши учун махсус педагогик-психологик машқлардан фойдаланамиз. Мисол учун, "Эътиборли қўллар" усулида ўқувчилар "и", "о" унлилари иштирок этган сўзларни ажратиб беришади. "и" бўлса — ўнг, "о" бўлса — чап қўлни

қўтаради (ҳарфлар алмашиб туради). Бу усул диққатни жамлашга ўргатиб, фонематик тинглаш қобилиятини ривожлантиради.

"Умумлаштириш" ўйинида эса ўқитувчи бир гуруҳга мансуб уч-тўрт предметни кўрсатади, ўқувчилар уларнинг умумий номини топади, Масалан: от, сигир, қўй, ит — уй ҳайвонлари; тарвуз, ҳандалак, қовун, қовоқ — полиз экинлари; ой, қуёш, юлдуз — осмон жисмлари ва ҳоказо. Бу усуллар боланинг мантиқий фикрлашига ижобий таъсир кўрсатиб, таҳлил асосида турли маълумотлардан умумий хулоса чиқариш кўникмасини шакллантиради. Зотан, фикрнинг равонлиги нутқнинг равонлигини таъминлайди.

Яқинда синфимда кичик кузатув олиб бордим. Ёзма ва оғзаки нутқи яхши ривожланмаган, аммо қобилияти бор 5-6 нафар ўқувчининг уй вазифасини бажаришини кузатдим. Бунда ўқувчининг қанча вақт давомида ақлий меҳнат билан банд бўла олиши, топшириқ бажараётганда қандай ҳиссиётларга берилиши (камчиликларидан асабийлашадими ёки хотиржам ишлайдими) каби хислатларини ўргандим. Ушбу тажрибадан шундай хулосага келдимки, аввало, педагог ўқувчи билимини ривожлантирувчи қуйидаги омилларга эътибор қаратиши керак:

- мактабга нисбатан ижобий муносабатни мустаҳкамлаш;
- мустақил ишлаш малакасини ошириш;
- майда қўл моторикасини, ёзув малакасини шакллантириш;
- темпераментга хос хусусиятларни аниқлаш ва шу асосда муомала қилиш.

Мухтасар айтганда, бошланғич синф ўқувчиларининг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришда психологик ёндашув муҳим бўлиб, боланинг ўзига ишончини оширади, мустақил ва эркин фикрлашга ўргатади. Қолаверса, ўқувчилар орасида дўстона муносабатни кучайтиришга хизмат қилади.

**Нигора ИБРОҲИМОВА,**
**Учтепа туманидаги "Ором" боғча-мактаби ўқитувчиси**

*Malaka oshirish*

# КУРСДАН КЕЙИНГИ ФАОЛИЯТ

## таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилсин

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларига келган тингловчилар курс давомида ўз соҳасига доир ҳамда педагогик-психологик билимларини янгилаб, тўлдириб боради. Фан-техника янгиликлари билан яқиндан танишади, меҳнатни илмий ташкил этиш, бўш вақтдан унумли фойдаланиш, замонавий ахборот-коммуникация ҳамда интерфаол педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлади. Бунинг учун мазкур институтлардаги ўқув-илмий билимлар психологик хусусиятларга мос баён қилиниши илмий билимларнинг назарий асослари ҳамда ғоявий йўналиши тизимли ва изчил, келтирилган маълумот ва далиллар асосли, ишончли бўлиши, улар тўғри ва аниқ таҳлил этилиши, тегишли хулосалар чиқарилиши лозим.

Таълим услуби учун икки хусусият характерли. Биринчидан, услуб таълим мақсадига эришишни таъминлаши, тингловчиларга янги билимлар бериши, уларни ривожлантириши зарур. Иккинчидан, услубда ўқитувчи ва тингловчининг икки томонлама, мувофиқлашган фаолияти мужассам бўлиши керак.

Таълим услубларининг такомиллашуви ўқув жараёнини яхшилаши баробарида тингловчиларнинг билимларни онгли равишда мустаҳкам эгаллаши, дунёқарашининг шакланишига хизмат қилади. Бунда тингловчи-педагоглардаги мавжуд билим, амалий кўникма ва малакага таянилиб, олдиндан тузилган саволлар тўплами орқали янги материалнинг ўзлаштирилишига эришилади. Ўқитувчи уларнинг касбий билимларидаги бўшлиқ ва камчиликларни аниқлаб, уни бартараф этиши лозим. Жараёнда ўқитувчи томонидан бериладиган саволлар шаклан қисқа, мазмунан аниқ, пухта тузилиши керак. Яъни, янги билим берувчи, олинган билимларни мустаҳкамловчи, тингловчилар билимларини текширувчи, ўтилган мавзуларни такрорловчи каби жиҳатларга эга бўлиши даркор.

Малака ошириш сифатини ўқув мазмуни даражаси, институт профессор-ўқитувчиларининг касбий маҳорати, билим, кўникма, малакаси, курсга келган тингловчиларнинг билим даражаси ва институтнинг моддий-техник базаси каби масалалар ҳам белгилайди. Бунда институт профессор-ўқитувчиларининг дарсларда янги педагогик ва ахборот технологияларини дарс жараёнида қўллай билиши, интерфаол усуллардан фойдаланиши, айниқса, асқотади. Институтдаги ҳар бир профессор-ўқитувчи томонидан тайёрланган ўқув-услубий мажмуа ҳам малака ошириш самарадорлиги ошишига сезиларли даражада ҳисса қўшади. Бу қўлланмалар ўқитувчиларнинг тизимли ишлашини таъминлайди, тингловчиларнинг билим, кўникма, малакаларини оширади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида мунтазам ишлаб илмий изланиш олиб бориши, намунавий дарс ишланмалари, методик тавсиялар ва қўлланмалар тайёрлаши, уларнинг фаолияти мунтазам равишда мониторинг қилиб борилиши ўқув жараёнининг юксалишига олиб келади. Қолаверса, машғулот олиб бориладиган ўқув хоналарининг услубий тавсиялар ва зарур кўргазмали воситалар билан жиҳозланиши, мультимедиа материаллари, электрон дарсликлар, компакт диск кабилар дарсларнинг мазмун-моҳиятини чуқурлаштиради.

Самарадорлик тингловчиларнинг малака ошириш курсидан кейинги фаолиятини ҳам қамраб олади. Курсдан кейинги даврда тингловчилар билим самарадорлигининг мониторинги тегишли буюртмачилар томонидан олиб борилади. Таълим муассасалари ва халқ таълими бошқарув органлари бу ишга масъул бўлиб, ички назорат олиб бориши зарур. Малака оширган ўқитувчидан эса фан бўйича методбирлашма йиғилишида ҳисобот бериш, дарс жараёнида малака оширишдан олган янгиликларни қўллаш, таълим-тарбиянинг илғор усулларидан фойдаланиш, мустақил мутолаага эътибор қаратиш, ўз устида мунтазам ишлаш, ташкилотчилик фаолиятини ривожлантириш талаб этилади. Шу маънода институтимизда А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида тайёрланган "Тингловчиларнинг курсдан кейинги фаолияти самарадорлигини ўрганишни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича методик материаллар ва йўриқнома"га асосан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳар бир фан ўқитувчисининг малака ошириш курсидан кейинги фаолияти сифати ва самарадорлиги мактаб методика кабинетларида мутахассислар томонидан таҳлил қилинади ва билим даражаси мониторинги эълон қилиб борилади. Бу эса таълимда сифат ва самарадорликка эришишнинг муҳим омилидир.

**Гулбаҳор ҲАСАНОВА,**
**Навоий вилоят педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти "Педагогика, психология ва таълим менежменти асослари" кафедраси мудири**

*Qaror va ijro*

# ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## *таълим сифати юксалиши ва ихтиролар юзага келишида муҳим аҳамият касб этаяпти*

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилаяпти.**

— Ушбу қарорнинг 8-банди бўйича институтимизнинг 4та ўқув биноси, 2та талабалар турaржойида таъмирлаш ишлари бажарилиши, 8та ўқув лаборатория: 1та физика, 1та кимё, 2та экология, 2та назарий механика, 1та гидравлика, 1та электроника ва электроника асослари ҳамда 1та тўқимачилик комплекс илмий лабораториялари янгидан ташкил этилиши режалаштирилган, — дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий ишлар бўйича проректори Орифжон Бозоров. — Айни пайтда қарор асосида ўқув даргоҳимизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси ҳамда Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтлари билан ҳамкорликда ўқув-илмий комплекс шакллантирилди. Бу олий таълим ва фан интеграциясини кенгайтириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда академик илм кадрлари салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш борасидаги ишларни янада жадаллаштирди.

Институтда қарор ижроси муносабати билан ёшларни инновацион фаолиятга йўналтириш ва малакали мутахассислар тайёрлашни юксалтириш мақсадида қўплаб илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг март ойида "Ўзпахтасаноат" уюшмаси раҳбарияти, ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти мутахассислари, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятлари пахта саноати бўйича ҳудудий бирлашмалари вакиллари ҳамда профессор-ўқитувчилар, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи, магистрант ва иқтидорли талабалар иштирокида "Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион корпоратив ҳамкорлик самаралари" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Апрелда "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида ташкил этилган "Матбаада инновацион корпоратив ҳамкорлик" мавзусидаги илмий-амалий семинарда ҳам институт стажёр-тадқиқотчи-изланувчилари, магистр ва талабалар фаол иштирокчи бўлишди. Шунингдек "Ўзбекенгилсаноат" ДАКда, "Пахта саноати илмий маркази" ОАЖда саноат корхоналари мутахассислари иштирокида институтнинг тегишли мутахассислик кафедраларида инновацион корпоратив ҳамкорликдаги магистрлик диссертациялари ҳимоялари бахс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

Ўтган йилнинг 29-30 ноябрь кунлари ташкил этилган "Ўзбекистонда енгил саноатни инновациялар асосида ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманида ҳам ҳамкорликда эришилаётган ютуқларга урғу берилди.

— Ҳозирда изланувчилар томонидан қатор муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, — дейди ТТЕСИ катта илмий ходими, тадқиқотчи Жаҳонгир Ғафуров. — Айни пайтда йигириш машиналари тезлигининг кескин ўсиши кузатилмоқда. Бу технологик жараёнларнинг ўзгаришига, олинаётган маҳсулот, яъни йигирилган ип хоссаси, технологик кўрсаткичларига, жумладан, сифатига таъсир кўрсатади. Бу борада олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, инобатга олинмаган параметрлар ҳамон очиқ қолмоқда. Мен "Ҳар хил тузилмага эга бўлган тўқимачилик иплари сифат кўрсаткичларини башорат қилишнинг илмий асослари" мавзусидаги илмий изланишларимда шу масалаларни ўргандим. Йигириш машинаси технологик жараёнларида умумий чўзилишни хусусий чўзилишларга ажратиш, ҳар бир хусусий чўзилиш жараёнида шу жараёнга ўтаётган толалар таъсирини ўрганиш бизга якуний маҳсулот — ипнинг сифат кўрсаткичларини истеъмолчи талабига мувофиқ бошқариш имконини бериши аниқланди.

Ҳозирги кунда янги турдаги компакт ипи ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни бошқариш борасида ҳам илмий тадқиқотлар олиб бормоқдаман. Тадқиқот Манчестер университетида апробация қилинди ва хорижий нашрларда мақолаларим чоп этилди. Илмий иш бўйича танловда қатнашиб, давлат томонидан ажратилган ёш олимлар лойиҳаси совриндори бўлдим. Эндиги вазифа олинган натижаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ва шу орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам рақобатбардошлигини таъминлашдир.

— Кафедрамиз толали материаллар ва қоғозлар кимёвий технологияси соҳаси йўналиши бўйича бакалавр, магистрлар тайёрлайди, шунингдек, илмий-педагогик кадрларни шакллантиришда ҳам фаолдир, — дейди техника фанлари доктори, профессор Дилфуза Худойбердиева. — Бизда ўқув ва ўқув-услубий ишлар учун тўлиқ шароит яратилган. Ўқув-лаборатория хоналари энг замонавий асбоб-ускуна, зарурий воситалар билан таъминланган. Илмий йўналишдаги фаолиятимиз саноат корхоналари билан инновацион корпоратив ҳамкорлик асосида олиб борилади. "Навоийазот", "Туронтекс" МЧЖ, "Саноатқалинқоғозсавдо" ОАЖ ҳамда "Жуҳал қалинқоғози", "Bursel-Tashkent-Textile", "Cotton road" каби қўшма корхоналар билан доимий мулоқот олиб борилади, корхоналарнинг долзарб муаммоларини ечишда кафедранинг профессор-ўқитувчилари фаол иштирок этиб келишаяпти.

"Жуҳал қалинқоғоз" ва "Turon-Tex" корхоналарида кафедранинг филиаллари мавжуд бўлиб, амалий ва лаборатория машғулотлари кўп йиллик тажрибага эга технологлар иштирокида олиб борилади. Асосийси, профессор-ўқитувчиларимиз иқтидорли ёшлар билан биргаликда ишлашади, илмий изланишлар олиб боришади. Натижада ёшлар ўзларининг ишланмаларини, техник ечим ва тадқиқот натижаларини турли анжуманлар, кўргазма, танловларда намойиш этишмоқда. Масалан, V республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида тадқиқотчимиз Акром Рафиқов ўзининг "Икки қаватли трикотаж тўқимасини кимёвий пардозлаш технологияси" мавзусидаги ишланмаси билан қатнашди. Ушбу ишланмани ишлаб чиқаришни корхона вакиллари юқори баҳоладилар ва улар билан шартнома тузишга эришилди. Ҳозир ёш олимларимиз VI республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида иштирок этиш учун қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида институтнинг "Cantexuz" замонавий дастгоҳлар ва сертификация маркази, "CAD-CAM" кийим ва пойабзал дизайни маркази, "Ипак технологияси", "Тўқима ва трикотаж технологияси ва дизайни", "Тўқимачилик маҳсулотларини пардозлаш ва қоғоз технологияси дизайни", "Тикув буюмларини лойиҳалаш ва дизайн", "Чарм буюмлари технологияси ва дизайн" кафедралари ўқув-лабораториялари энг замонавий машина ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, айни кунда институт қошида "Ўзпахтасаноат" уюшмасининг ҳомийлигида пахтани дастлабки ишлаш йўналишида таълим самарадорлигини янада яхшилаш мақсадида қурилган ва замонавий технологиялар билан жиҳозланган "Мини пахта завод" фаолият юритаяпти. Бу эса лаборатория ишларини натижали бажаришга қулай шарт-шароит ва имконият яратаяпти. Назария ва амалиёт уйғунлаштирилиши натижасида дарс ва машғулотлар самарадорлиги ошмоқда.

— Лабораториямиз Япония гранти доирасида келтирилган жаҳон стандартларига мос замонавий электрон синов мослама ва дастгоҳлари билан жиҳозланган, — дейди "Cantexuz" ўқув-синов лабораторияси мудири Ҳандиси, "Тўқимачилик материалшунослиги" кафедраси асистенти Шамсиддин Тўланов. — Лаборатория толадан тортиб тайёр маҳсулотгача бўлган барча тўқимачилик материалларнинг сифат кўрсаткичлари синовини ўқув ва илмий жараёнлар билан боғлаб ўтказишга хизмат қилади. Талаба ва магистрлар, докторантларнинг 30дан ортиқ тўқимачилик маҳсулотлари сифатини тадқиқ этувчи мослама ва дастгоҳларда илмий изланишлар олиб боришига ёрдам кўрсатамиз. Синов натижалари давлат стандартларига солиштирилиб, керакли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, "Давлатстандарт" агентлиги билан лабораториямиз узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Барча мослама ва дастгоҳларимиз текширувдан ўтган. Ўзбекистонда фаолият юритаётган турли мулкчилик шаклидаги, жумладан, қўшма корхоналарга ҳам ўз ёрдамимизни кўрсатиб, тегишли синов хулосаси баённомаларини берамиз. Масалан, яқинда магистр Илҳом Раҳмонов янги тўқима матонинг кўрсаткичлари(ҳаво ўтказувчанлиги, сув ўтишига қаршилиги, мустаҳкамлиги, ишқаланишга чидамлилиги, юза зичлиги)ни аниқлади.

— Барча мутахассислик кафедраларида илмий тадқиқот мавзулари намунавий мавзулар асосида берилади, — дея изоҳ беради "Инновация ва интеграция илмий тадқиқотлар маркази" етакчи илмий ходими, тадқиқотчи Фарҳод Раҳимов. — Тадқиқотнинг бажарилишини дастлаб тузилган режа асосида изланувчининг илмий раҳбари, кафедра мудири назорат қилади, синов ишлари бевосита сертификацияга эга лабораторияда, технологик тадқиқотлар эса кафедра қошидаги дастгоҳларда ёки ҳамкорлик шартномалари асосида ишлаб чиқариш корхоналарида олиб борилади. Изланиш натижалари бўйича тайёрланган тезислар, илмий мақолаларни чоп эттириш, янгилигининг ҳимоясини таъминловчи патентларни расмийлаштириш каби масалаларда марказимиз мутахассислари ўз маслаҳатларини берадилар. Аксарият ёшларимизнинг магистрлик ишлари тегишли ишлаб чиқариш далолатномалари билан якунланади. Докторлик диссертацияларининг ҳимоясини эса ишлаб чиқаришга жорий этиш далолатномасисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Институтнинг тўрт факультети ва 15та мутахассислик кафедраларининг барчасида инновацион гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилган. Ихтисосликлар бўйича соҳа корхона ва ташкилотларининг маълумот банки, илмий-технологик муаммоларнинг ягона ахборот базаси ва шу муаммолар асосида тузилган намунавий мавзулар рўйхатлари яратилган. Намунавий мавзулар рўйхатларида бакалаврлик битирув-малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари, катта илмий ходим ва мустақил изланувчиларнинг докторлик диссертация мавзулари, қолаверса, хўжалик шартномаларининг намунавий мавзулари шакллантирилган, улардан келиб чиқиб режалаштирилган ишлар бажарилмоқда. Бунда ёш тадқиқотчиларнинг фаоллиги кузатиляпти.

Масалан, 2012 йил 3—5 май кунлари бўлиб ўтган "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" V республика ярмаркасида институт профессор-ўқитувчиларининг 25та ва иқтидорли ёшларнинг 14та ишланма ва технологиялари намойиш этилди.

— Ҳозирги вақтда кафедрамизда турли тармоқ ишчилари учун махсус кийимнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш, тежамкор технологияларни яратиш, кўп ассортиментли ишлаб чиқариш шароитида тикув-трикотаж буюмлари технологияси, шунингдек, тикув буюмларини ишлаб чиқариш жиҳозларини такомиллаштириш йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, — дейди "Тикув буюмлари кафедраси" мудири, техника фанлари номзоди, доцент М.Расулова. — Кейинги йилларда кафедранинг моддий-техник базаси тубдан яхшиланди. Ўқув хоналари ва тикув лабораторияси сўнгги русумдаги компьютер техникаси ҳамда замонавий тикув машиналари билан жиҳозланди. Бу аудитория машғулотларини ва илмий тадқиқот ишларини юқори техник даражада амалга оширишни таъминлаяпти. Муҳими, жамоамизда устозшогирд усулида иш юритилади. Масалан, профессор С.Тошпўлатов раҳбарлигида тадқиқотчи З.Аҳмедова "Вақтинчалик ҳаракати чегараланган инсонлар махсус кийими янги моделини ишлаб чиқариш" лойиҳаси устида изланишлар олиб бораяпти. Талабаларимиз тикув-трикотаж буюмлари, ишлаб чиқариш техникаларини такомиллаштириш бўйича қўплаб лойиҳаларга қўл уришаяпти. Талабаларнинг амалий малака ва қўникмаларини шакллантириш, изланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 40га яқин ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик қилинаяпти.

Таълим соҳасидаги изчил янгиланишлар туфайли институт олимлари, тадқиқотчи ва педагогларининг қўплаб маҳаллий корхоналар, илмий муассасалар, шунингдек, АҚШ, Россия, Англия, Франция, Греция, Олмония, Япония, Швейцария, Бельгия, Хитой, Жанубий Корея давлатларидаги турдош олий таълим муассасалари, илмий марказлар билан яқин алоқа ўрнатгани ҳам таълим-тарбиянинг сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнгги уч йилда ўқув даргоҳи профессор-ўқитувчиларидан 30 нафари турли давлатларда малака оширди, айни пайтда улар хорижлик олимлар билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бормоқда.

Институтда ўқув ва моддий-техник базани такомиллаштириш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш инновацион корпоратив ҳамкорлиги йўлга қўйилиши юксалиш ва ютуқлар гарови бўлиб, ёшларни янги марраларга чорлаяпти.

**Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# ДАХЛДОРЛИК ДАРСИ

## "Маънавият соати"да "Case study" методидан фойдаланиш юзасидан тавсиялар

Хурматли устоз, сиз Президентимизнинг ёшлар тарбияси, маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштиришга доир қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси, Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилиши баёнларини диққат билан ўрганиб, ижросини таъминлаш борасида меҳнат қилиб келмоқдасиз. Ҳужжатлар билан танишар экансиз, "ислоҳотлар натижасида эришилган ютуқларни аҳоли, айниқса, ёшлар орасида халқчил, хаётий мисоллар асосида кенг тарғиб этиш" вазифасига кўзингиз тушади. Бундан кўзланган асосий мақсад бугун сафимизга катта куч бўлиб қўшилаётган ёш авлодни чуқур илдизга эга миллий қадриятларимиз, аньана ва урф-одатларимиз асосида тарбиялаб, уларда ватанпарварлик, яратувчанлик ҳамда шу муқаддас заминимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш каби туйғуларни юксалтиришдан иборатдир.

Ўйлаймизки, "Case study" (аниқ вазиятлар, ҳаётий мисоллар) методи асосида тайёрланган мазкур илмий-услубий ишланма Сиз — ҳурматли устоз ва мураббийларга ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда "Маънавият соатлари"ни ўтишда ҳаётий мисоллардан фойдаланиб, ўқувчи-ёшларимизда мамлакатимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, ислоҳотларга дахлдорликни шакллантиришда қўл келади. Негаки, халқимиз ўз кўзи билан кўраётган, гувоҳ бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг дарс чоғида ўқувчиларга баён қилиниши, намойиш этилиши уларда ўша вақтда, ўша жойда бўлиб, ўша жараёнда бевосита иштирок этгандек таассурот қолдиради.

Ушбу илмий-услубий ишланма "Обод турмуш йили" арафасида пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган янги тураржой мажмуини фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этган юртдошларимизнинг фикрлари асосида тайёрланди. Машғулот якунида ўқувчилар:

мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар уларнинг келажаги учун қанчалик аҳамиятга эга эканини чуқур англаши;

юртимизнинг барча шаҳар, туманларида замонавий тураржойлар қурилиши, жумладан, пойтахтимиздаги бунёдкорликлар нима учун, ниманинг эвазига амалга оширилаётганини аниқ тушуниб етиши;

"Биз ким эдик. Бугун биз КИММиз!" деган саволга ҳаётий, қиёсий фактлар, мисоллар, рақамлар асосида жавоб бера олиши;

Ватан ва ўз манфаатлари уйғунлигини тушунтира билиши;

мустақилликни ҳимоя қилишга, асраб-авайлашга онгли тарзда тайёр бўлиши;

ўзи яшаётган ҳудуд, туман, маҳаллада халқ фаровонлиги ғояси рўёбини мисоллар билан ҳикоя қилиб бера олиши керак.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан мамлакатимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Ҳар йили юртдошларимизни, хорижликларни лол қолдираётган бетакрор меъморчилик намуналари барпо этилмоқда. Яқиндагина фойдаланишга топширилган "Бунёдкор" стадиони, Кардиожаррохлик маркази ғуруримизга ғурур қўшган эди. 2012 йил 27 декабрь куни эса пойтахтимизнинг Алишер Навоий номи билан аталган обод кўчасида унутилмас шодиёна бўлиб ўтди.

Саккизта қўпқаватли уйлар атрофи байрамона безатилган. Йўлаклар саранжом, зинапоялар кенг, ёруғ, озода, саришта. Уйларнинг кириш йўлакларига **"Янги уйлар муборак!", "Хуш келибсиз!" "Янги уйлар қутлуғ бўлсин!", "Обод турмуш йили"нгиз муборак бўлсин!", "Янги йилда янги уйга"** деган эзгу тилаклар битилган.

Оқ мармар уйларга суқланиб тикиласиз. Биринчи-иккинчи қаватларда замонавий дўконлар жойлашган. Лоджвард ойналар ортидан сехрли олтин қ[illegible]ллар сизни [illegible]лайди. Бу порлаган ранглар гармонияси. Бугун Алишер Навоий кўчасидан ўтаётган юртдошларимизга қувонч, ҳайрат, ифтихор улашаётир. Ҳамманинг гаплари беихтиёр бир мавзу атрофида айланаяпти — "Биз ким эдик. Бугун биз КИММиз!".

Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари асосида миллий ва жаҳон шаҳарсозлигининг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам қилган тураржой мажмуаси фойдаланишга топширилди. Алишер Навоий кўчасини марвариддай безаб турган янги уйлар ўз соҳибларига эшикларини очди. Бу қувончли воқеа барча юртдошларимизни, айниқса, янги уй эгаларини қувонтирди.

Шодиёнада иштирок этган жамоатчилик вакиллари, фаоллардан ўн нафарининг фикрини ёзиб олдик. "Маънавият соати"да ҳар бир интервью алоҳида ўқувчи томонидан ўқиб эшиттирилади. Ўқитувчи болалардан ушбу фикрга муносабатини сўрайди. Матн мазмунини аниқлаштирувчи саволлар беради. Ўқувчилар ўз фикрини билдирадилар.



**1-фикр.**
**Марат ота Ғуломов,**
**Тошкент шаҳри Учтепа тумани Дегрез маҳалласи раиси, меҳнат фахрийси:**

— Ёшлигим мана шу ерларда ўтган. Ўша пайтда Навоий кўчасининг бир томони иморат, бир томони жарлик эди. Аҳоли пасткам, лойдан кўтарилган уйларда яшарди. Қоронғи тушгач, бу ерлардан ўтишга одам кўркарди. Кейинчалик ярмарка деган дўконлар қурилди. Аммо улар талабга жавоб бермас, ҳатто ерда ўтириб савдо қилинар эди.

Энди қаранг. Замонавий савдо дўконлари ишлай бошлади. Савдо, хизмат кўрсатиш маданияти юксалаяпти, одамларнинг дунёқараши ўзгараяпти, болаларимизнинг тарбияси бошқача... Мен ўша пайтлари пойтахтда тураман, деб ўзимча фахрланиб юрган эканман. Пойтахт дегани бундай бўлар экан.

Мана, қисқа муддатда Ҳазрати Имом мажмуаси, Халқаро анжуманлар саройи, "Маърифат маркази", "Бунёдкор" стадиони қуриб битказилди. Бугун эса Алишер Навоий кўчасида ривожланган давлатлардагидан асло қолишмайдиган янги уйлар қурилиб, фойдаланишга топшириляпти...

Халкимиз бойиб, енгил машиналар сони тез кўпаймоқда. Бундай вазиятда шаҳримиз кўчаларининг кенгайтирилаётгани жуда яхши бўляпти, марказий кўчалардан трамвай, троллейбус йўллари олиб ташланди (энг кенг кўчаларимиз илгари икки-тўрт қаторли эди, ҳозир олти-саккиз қаторли). Агар шундай қилинмаганида эди, машиналар йўлларга соатлаб тиқилиб қоларди. Йўлларимиз кенг, текис, равон бўлди.

Янги уйларнинг калитларини кўлларига олган ҳамшаҳарларимизга "Янги йилда янги уйлар муборак! Оилаларингиз бундан ҳам мустаҳкам бўлсин. Хонадонингиздан бахт-саодат, фаровонлик аримасин", дейямиз.

**Саволлар:**

*1. Марат ота нега "Мен ўша пайтларда пойтахтда тураман, деб ўзимча фахрланиб юрган эканман. Пойтахт дегани мана бундай бўлар экан", деди?*
*2. Сиз мустақиллик йилларида қурилган қайси улкан биноларни биласиз?*
*3. Марат ота нима учун "Халқимиз бойиб, енгил машиналар сони тез кўпаймоқда", деди?*

**2-фикр.**
**Ўктам Қурбонов,**
**6-уй 21-хонадон эгаси, автомобиль саноати ходими:**

— Бугун бизнинг оиламиз жуда бахтли. Чунки ҳамма орзу қиладиган, Европанинг ривожланган давлатларидаги уйлардан сира қолишмайдиган замонавий, қулай, шинам хонадон эгасимиз. Бу уйлар шаҳарсозликнинг энг илғор ютуқлари асосида бунёд этилгани бизда ифтихор уйғотади. Айниқса, пишиқ ғиштдан қурилиб, дизайнида миллийлик ва замонавийлик уйғунлашгани билан ҳам жуда чиройли. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов "Биз уй қурганда аввалгидек пахса деворли эмас, балки 80—100 йилга етадиган, етти пуштимизга хизмат қиладиган уйлар қуришимиз керак", деган эди. Мен ишонаман, шу уйда невараю чевераларим ҳам фахрланиб яшайди.

Илгари Юнусободга бориб, спорт залида шуғулланар эдим. Энди 200 метр юраман, холос. Кўшни уй тагида спорт зали ишлаб турибди. Бориб кўрдим: энг яхши тренажёрлар ўрнатилган.

Бугунги хурсандчиликни юртимизда 2013 йил — "Обод турмуш йили"да давом этадиган бунёдкорликларнинг дебочаси деб биламан. Албатта, одамнинг яшаши учун қанчалик қулай шарт-шароит яратилса, меҳнати унуми ҳам шунга яраша бўлади. Мен ҳам ўз билимим, куч ва ғайратимни шу азиз Ватаним тараққиётига сарфлайман.

**Саволлар:**

*1. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Биз уй қурганда аввалгидек пахса деворли эмас, балки 80—100 йилга етадиган, етти пуштимизга хизмат қиладиган уйлар қуришимиз керак", деган фикрларини қандай тушундингиз?*
*2. Янги уйлар шаҳарсозликнинг энг илғор ютуқлари асосида бунёд этилган, дейилганда нима назарда тутилмоқда?*
*3. Ўктам аканинг "Мен ҳам ўз билимим, куч ва ғайратимни шу азиз Ватаним тараққиётига сарфлайман" деган сўзлари мазмунини қандай изоҳлайсиз?*

**3-фикр.**
**Мавжудахон ая Зияева,**
**меҳнат фахрийси:**

— Бир умр мана шу Ҳадрадаги "Дори-дармон" бошқармасида ишлаб келдим. Оиламиз билан барча шароитлар мужассам хонадонда яшасак эди, деган орзуим бор эди. Лекин собиқ шўро даврида бундай ҳашаматли уйларни кўриб ҳам, олиб ҳам бўлмасди. Мана, бугун мустақиллигимиз шарофати билан ўғлим мен етолмаган орзуга эришди. Она учун бундан ортиқ бахт борми?

Уйнинг олди ҳиёбон, орқа тарафи боғ. Хавфсизлик кириш йўлагидан — домофондан бошланади. Ким сўраб келган бўлса, уйимизда тўириб, тасвирини кўрамиз. Хонадонимиз ичидаги қулайликларни айтмайсизми? Икки тарафдан кўёш нури тушади. Хоналарга ичма-ич эмас, алоҳида-алоҳида кирилади. Ошхонанинг шинамлигини кўяверасиз. Невараларим учун болалар хонаси, дарс тайёрлаш столи, компьютер мосламалари, китоб жавони, кийим-кечак шкафлари бор. Ҳар бир хона алоҳида ёритилади.

Илгари уйлар фасади кулранг, бўғиқ ва шунинг учун кўча бефайз, кўримсиз эди. Ҳозир қаранг, уйларимизнинг ташқи кўриниши ҳам ўтган одамнинг кўзини олади. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлнинг ўртасига панжара ўрнатилгани ҳам чиройли, ҳам қулай бўлди. Биз, айниқса, болаларимиздан, невараларимиздан хотиржаммиз.

Мен она, буви сифатида бу уйларни қуришнинг ташаббускори ва бош меъмори, барчамизнинг ғамхўримиз муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовга барча онахонлар, аёллар номидан чексиз миннатдорлик билдираман.

**Саволлар:**

*1. Мавжудахон ая нима учун "Оиламиз билан барча шароитлар мужассам хонадонда яшасак эди, деган орзуим бор эди. Лекин собиқ шўро даврида бундай ҳашаматли уйларни кўриб ҳам, олиб ҳам бўлмасди", деди?*
*2. Янги уйларнинг қандай қулайликлари бор экан?*
*3. Мавжудахон аянинг Президентимиз Ислом Каримовга барча онахонлар, аёллар номидан чексиз миннатдорлик билдирганининг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?*

**4-фикр.**
**Ришод Собиров,**
**дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони:**

— Мусобақаларда қатнашиш учун кўплаб мамлакатларга борамиз. Шаҳарларни, одамларнинг турмушини кузатаман. Ҳар сафар Тошкентга қайтганда дам олиш кунлари пойтахтимизни айланаман. Бунёд этилаётган янги боғлар, муҳташам биноларга қараб, Тошкент билан Европанинг манаман деган шаҳарларини солиштираман. Пойтахтимизнинг ҳам миллий, ҳам замонавий қиёфа касб этиб, кун сайин чирой очиб бораётганидан фахрланаман.

Ўзбекистон — ўз ёшларига, жумладан, спортчи-ёшларига энг гамхўр давлатлардан бири. Мана, "Мустаҳкам оила йили"да минглаб ёш оилаларга уй-жойлар қуриб берилди, рўзғор анжомлари олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди. Мен ҳам ана шундай бахтли ёшлардан бири эканимдан мамнунман. Бундай улкан эътиборга муносиб бўлиш, юртимиз шарафини янада юксакларга кўтариб, ўз фарзандлик бурчимизни ҳамиша оқлаб юриш биз — ёшларнинг асосий вазифаси бўлиб қолади.

**Саволлар:**

*1. Дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров ҳақида нималарни биласиз?*
*2. "Ўзбекистон — ўз ёшларига энг гамхўр давлатлардан бири", деган фикрни шарҳланг.*
*3. Ришод Собиров "Бундай улкан эътиборга муносиб бўлиш, юртимиз шарафини янада юксакларга кўтариб, ўз фарзандлик бурчимизни ҳамиша оқлаб юриш биз — ёшларнинг асосий вазифаси бўлиб қолади", деди. Сиз Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчингизни қандай тушунасиз?*

**5-фикр.**
**Муҳаммаджон Зуфаров,**
**"Нуроний" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси:**

— Мустақиллигимизнинг 20 йиллик даврида 100 йилда қилинадиган ишлар амалга оширилди. Бугун пойтахтимиз дунёнинг яшаш учун энг қулай шаҳарлари қаторидан жой олди. Чунки 20 йилда 500дан ортиқ кўчалар таъмирланди, ўнлаб кўприклар барпо этилди.

Шаҳримизда жуда катта кўламда бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Пойтахтнинг қоқ марказида қурилган Халқаро анжуманлар саройи биноси Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейига тухфа қилинган эди. Ўшанда сўзга чиқиб, "Агар Тошкентни олтин узук десак, унга катта олмос кўз қўйилди", дедим. Шундан бўён "Маърифат маркази", "Бунёдкор" стадиони сингари бир қатор муҳташам биноолар ҳам барпо этилди.

Алишер Навоий кўчаси мана энди пойтахтнинг кўчасига ўхшади. Кўзни қувонтирадиган иморатлар осмондан тушгани йўқ, халқимизнинг меҳнати эвазига бунёд бўлди.

**Саволлар:**

*1. Мустақилликнинг биринчи кунларида Ўзбекистон қай аҳволда эди?*
*2. Муҳаммаджон отанинг "Мустақиллигимизнинг 20 йиллик даврида 100 йилда қилинадиган ишлар амалга оширилди", деган гапига ўзингиз яшаб турган туман, шаҳардан мисоллар келтиринг.*
*3. "Кўзни қувонтирадиган иморатлар осмондан тушгани йўқ, халқимизнинг меҳнати эвазига бунёд бўлди", деган фикрни изоҳланг.*

**6-фикр.**
**Хусниддин Пўлатов,**
**ёш эколог олим:**

— 1990 йили Тошкент шаҳри умумий майдонининг 9 фоизини боғ ва хиёбонлар, яшил ҳудудлар ташкил этган. Чунки одамлар яшайдиган жойларга завод, фабрикалар қуриб ташлашган. Бундан шаҳар ҳавоси ифлос бўлиб, оғир экологик вазият юзага келган. Ўша пайтда қушларнинг ўнлаб турлари қочиб кетган эди. Ҳозир эса боғ ва хиёбонлар ҳудуди 23 фоизга етди. Кетиб қолган қушлар яна қайтиб келаётир. Кичик ҳалқа йўлининг қурилиши шаҳар экологиясини, ҳавосини тоза сақлашга хизмат қиляпти.

Алишер Навоий кўчаси атрофидаги ташландиқ майдон боққа айлантирилди. Оқ мармардан замонавий уйлар қурилди. Улкан бунёдкорликларга гувоҳ бўлиб, беихтиёр Амир Темур бобомизнинг "Кудратимизни кўрмоқчи бўлганлар биз қурган иморатларга боқсин", деган муборак сўзларини эсладим.

**Саволлар:**

*1. 1990 йили Тошкент шаҳри умумий майдонининг атиги 9 фоизини боғ ва хиёбонлар, яшил ҳудудлар ташкил этгани сабаби нимада?*
*2. Бир пайтлар қочиб кетган қушларнинг қайтиши нимадан дарак беради?*
*3. "Яхшидан боғ қолади" мақолининг мазмунини изоҳланг.*

**7-фикр.**
**Абдувахоб Акбаров,**
**Шайхонтоҳур тумани ИИБ профилактика катта инспектори, майор:**

— 1998 йилдан бери Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими профилактика хизматида фаолият юритиб келаяпман. Биз ҳам мана шу замонавий уйлардан бирига кўчиб ўтдик.

Бугун нафақат Тошкент шаҳрида, балки юртимизнинг барча ҳудудларида муҳташам биноолар барпо этилмоқда. Чиройли уйлар одамларнинг маънавиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатар экан. Мана, ўзим хизмат қилаётган Хадра маҳалласи ҳудудида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари анча камайди. Ўқчи маҳалласида бу кўрсаткич янги уй-жой мажмуаси қурилиш даврининг ўзида уч баробарга пасайди.

Янги уйимизнинг афзалликларини гапирадиган бўлсам, фасад қисми миллий нақшлар билан безатилган, хоналари баланд — 3 метр, кенг, ёруғ ва шинам. Турмуш ўртоғим Зебунисонинг ошхонадаги қулайликлардан хурсандчилиги ичига сигмаяпти. Болаларимнинг юз-кўзларидаги қувончни кўриб ҳаяжонга тушаман. Биз бутун оиламиз билан давлатимизнинг ғамхўрлигидан чексиз миннатдормиз. Бундан буён ҳам бор куч ва ғайратимни Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашга бағишлайман.

**Саволлар:**

*1. "Чиройли уйлар одамларнинг маънавиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатар экан", деган фикрнинг маъносини чақинг.*
*2. Сиз яшаётган туман, шаҳарда қурилаётган намунавий уй-жойлар, бинолар ҳақида ҳикоя қилиб беринг.*
*3. "Бор куч ва ғайратимни Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашга бағишлайман" деган фикрни изоҳланг.*

**8-фикр.**
**Музаффар Раҳимов,**
**нуроний отахон:**

— Бир вақтлар қалта ўйланиб, Тошкентнинг ажойиб боғлари бузиб юборилди. Ариқ ва булоқлари қўмилиб кетди. Иқлим шароитимизга мутлақо тўғри келмайдиган, бир-бирига ўхшайдиган темир-бетон уйлар қуриб ташланган эди. Ана ўша аччиқ тажрибалардан келиб чиқиб, муҳтарам Президентимиз шаҳарсозликда етти ўлчаб эмас, етмиш марта ўлчаб бир кесиш кераклигини таъкидлагандилар. Узоқни кўзлаб олиб борилган бунёдкорлик натижасида бугун азим пойтахтимиз ўзгаларда ҳавас, халқимизда эса ифтихор туйғуларини уйғотмоқда.

Муҳташам Миллий театр рўпарасидаги қий-чувли ярмарка одамларни ранжитарди. Боз устига, машиналар тирбандлиги, бетартиблиги ҳам табиатга, ҳам кайфиятга салбий таъсир кўрсатарди. Илгари ҳам бу кўча Алишер Навоий номида эди. Лекин бу улуғ номга номуносиб эди. Мана, бугун исми жисмига мос бўлибди. Мутафаккир бобомизнинг достонларида ёзган орзу-армонлари ҳам рўёбга чиқаётир.

Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Тошкент чин маънода "Шарқнинг дарвозаси", "Ислом маданияти пойтахти"га айланди. Бугун ҳар биримиз, айниқса, ёши улуғлар меҳнат қилаётган одамларнинг олдига чиқиб, "Ҳормангиз!", деб кўмакдош бўлишимиз, ҳеч бўлмаса, бир пиёладан яхна чой узатишимиз зарур деб ўйлайман.

**Саволлар:**

*1. Музаффар ота "Бир вақтлар қалта ўйланиб, Тошкентнинг ажойиб боғлари бузиб юборилди. Ариқ ва булоқлари қўмилиб кетди", деганда қайси вақтларни назарда тутмоқда?*
*2. Президентимизнинг "Шаҳарсозликда етти ўлчаб эмас, етмиш марта ўлчаб бир кесиш керак", деган фикрларини шарҳланг.*
*3. Пойтахтимиз нима учун "Шарқнинг дарвозаси", "Ислом маданияти пойтахти" деб аталганини тушунтириб беринг.*

**9-фикр.**
**Ф.Йигитов,**
**бўлажак архитектор:**

— Яқинда Президентимизнинг яна бир қарори — Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини 2020 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича қарори қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатда Эски шаҳарни тўлдан реконструкция қилиш, янада ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, замонавий талаблар, шаҳарсозлик принципларига ва нормаларига мувофиқ тарзда ижтимоий, транспорт ва муҳандислик коммуникация инфратузилмаларини шакллантириш, миллий меъморлик анъаналарини асраб-авайлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Тошкент шаҳри мустақиллик йилларида мегаполисга айланди. Кўп давлатларда шаҳарлар бетартиб кенгаяди. Бизнинг пойтахтимиз эса узоқни ўйлаб тузилган режа асосида ривожланмоқда. 2000—3000 километр радиусда Тошкентга тенг келадиган шаҳар йўқ. Пойтахтимиз дунёдаги энг кўркам, энг қулай шаҳарлардан бирига айланди. 2012 йили нуфузли халқаро ташкилотларнинг эътирофига кўра Тошкент дунёда яшаш учун энг қулай Вашингтон, Амстердам, Сидней, Берлин, Париж каби шаҳарлар қаторига кирди.

Юртбошимиз мамлакатимизнинг ҳар бир гўшаси обод масканга айланиши учун шунчалик катта эътибор кўрсатаяпти. Биз қараб турамизми? Йўқ. Ҳаммамиз бир жону бир тан бўлиб, шу мақсад сари интилайлик, яратилаётган шарт-шароитларнинг қадрига етайлик.

**Саволлар:**

*1. "Мегаполис" деган сўзнинг маъноси нима? (Ўқитувчи олдиндан тайёрланиб, тушунтириб беради. Ўқувчилар ўз фикрларини билдирадилар).*
*2. 2000—3000 километр радиусда Тошкентга тенг келадиган шаҳар йўқлигини (харитада циркул марказини Тошкент шаҳри устига қўйиб, мос масштаб бўйича айлана майдон ҳосил қилинади ва пойтахтимизнинг афзалликлари санаб ўтилади) тушунтириб беринг.*
*3. Талаба-йигитнинг ташаббуси ҳақида ўз фикрингизни айтинг.*

**10-фикр.**
**Махмуд Тоир,**
**Ўзбекистон халқ шоири:**

— Бундай бахтиёр лаҳзаларни шоирнинг оташин мисраларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Янги уйлар эгаларини кўшалоқ байрам билан қутлаб, мана бу сатрларни ўқиб бераман:

*Шаҳарлар ичинда бир гавҳар шаҳар,*
*Гавҳарлар соҳиби бир заргар шаҳар.*

*Пойтахт деган сўзнинг пойидаги нур,*
*Тиллога тенг эрур лойидаги нур.*

*Бугунги Тошкент бу порлаган офтоб,*
*Оламни бағрига чорлаган офтоб.*

**Саволлар:**

1. Пойтахтимиз Тошкент ҳақида нималарни биласиз?
2. Шоир "Шаҳарлар ичинда бир гавҳар шаҳар", деганда нимани назарда тутган?
3. "Оламни бағрига чорлаган офтоб" ибораси мазмунини тушунтириб беринг.

**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,**
**педагогика фанлари доктори**

*Ta'limda hamkorlik*

**Бугунги тараққий этган даврда замонавий билимларни пухта эгаллаган, бир нечта хорижий тилларда сўзлаша олувчи, қисқа қилиб айтганда, ҳар томонлама етук мутахассисларга талаб ва эҳтиёж ошиб бормоқда. Мамлакат тараққиётининг асосини белгиловчи бундай кадрларни етиштириб чиқариш эса олий таълим муассасалари олдида турган энг долзарб масаладир. Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар самарасини юзага чиқариш, яратилаётган шарт-шароитларга муносиб жавоб бериш, билдирилган улкан ишончни оқлаш йўлида Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси ҳам мавжуд имкониятларни сафарбар этиб келаётир.**

# "ТОЛЕ" ТАЛАБАЛАР ХИЗМАТИДА

Таъкидлаш жоизки, институтимиз республикамиздаги автомобиль соҳасининг барча жабҳалари учун мутахассислар тайёрловчи етакчи олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Ёшларни юқори малакали мутахассис бўлиб етишишлари билан бир қаторда ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол инсон сифатида шакллантириш мақсадида кўплаб чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, уларнинг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, иқтидорини тўла намоён этишлари учун фан ва техникага оид тўгараклар фаолият кўрсатаяпти.

2001 йили илк бор ташкил этилиб, энг иқтидорли, изланувчан ва касбий маҳоратини ошириш истагидаги талабалар, янгиликка интилувчан профессор-ўқитувчилар, шунингдек, соҳа мутахассисларини бирлаштирган "Толе" клуби ҳам бу борада кўпгина ишларни амалга ошириб келмоқда. "Автомобиллар ва ихтисослаштирилган транспорт воситалари" кафедраси қошида ташкил қилинган ушбу клуб фаолиятидаги энг муҳим жиҳатлардан бири шуки, институт талабаларининг турдош олий таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан яқин алоқа ўрнатилган. Бу эса бўлғуси мутахассисларнинг нафақат техник билимлар эгаси бўлиб камолга етишлари, балки бизнес ва маркетинг, ахборот технологиялари, хорижий тиллар, хатто бадиий адабиёт ва фалсафага оид билимларини оширишларига ҳам замин яратилмоқда.

Клуб аъзолари илмий ва конструкторлик тадқиқот ишлари, ташқи алоқалар, ахборий тарғибот ҳамда ташкилий ишлар йўналишида фаолият кўрсатмоқда. Клуб аъзолари институтда давлат грантлари ҳамда хўжалик шартномалари асосида бажарилаётган илмий тадқиқот ишларига кенг жалб қилинмоқда. Бу каби лойиҳаларда иштирок этаётган талабаларнинг мавзуга оид илмий мақолалари мунтазам равишда илмий нашрларда чоп этилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бугуни кунда клуб аъзоларининг саъй-ҳаракатлари натижасида "Тошшаҳатрансхизмат" уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Дарё ва транспорт агентлиги, "GM Power Train" двигатель заводи, "GM Uzbekistan", "SamAvto", "JV MAN AVTO Uzbekistan" автомобиль заводлари, Тошкентдаги Турин политехника университети, Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиали, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслар маркази, хорижий фирма ва корхоналар ҳамда бошқа бир қатор муассасалар, шунингдек, Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи билан алоқалар ўрнатилиб, ҳамкорликда кўплаб тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Клуб таркибидаги "Малакали кадрлар агентлиги" эса, мавжуд ҳамкорликлар натижаси ўлароқ, бўлғуси мутахассисларни иш билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мазкур агентлик томонидан олиб борилган маркетинг тадқиқотлари натижасида республикамиздаги автомобиль ва унинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарда айнан қандай кадрларга эҳтиёж юқори экани аниқлаб олинди. Унга кўра ўз мутахассислиги бўйича билимларни пухта ўзлаштириш билан бир қаторда хорижий тиллар, хусусан, замонавий технологиялар ишлаш механизми ва дастурлар тили ҳисобланмиш инглиз тили сирларини ихтисослиги бўйича мукаммал эгаллаш сингари талаблар мавжудлиги белгилаб олинди. Талабаларни меҳнат бозорининг бу каби талабларига мос ҳолда тайёрлаш мақсадида клуб томонидан махсус дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра ёшларни махсус танлов тестларига тайёрлаб бориш, саёҳатлар уюштириш, замонавий ахборот технологиялари билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш, хорижий тиллар, хусусан, техник инглиз, рус ва ўзбек тили гуруҳларини ташкил этиш, иш вақтида ўзини тутиш, касбий муомала маданиятини шакллантириш юзасидан тренинг машғулотларини ўтказиш сингари энг долзарб масалалар белгилаб олинди. Шунингдек, клуб томонидан корхоналар билан шартномалар тузилиб, талабаларнинг бевосита иш жойларида малакасини оширишлари йўлга қўйилди.

Ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, талабаларнинг турдош олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган тенгдошлари билан тажриба, фикр ва мулоҳаза алмашишлари, дўстона муносабатларини йўлга қўйиш, шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият кўрсатаётган клубнинг собиқ аъзолари, институтни тамомлаб, бугунги кунда соҳанинг турли бўғинларида самарали меҳнат қилиб келаётган собиқ талабалар билан учрашувлар ташкил этиш аньанага айланган. Жумладан, шу кунга қадар институт талабалари билан "GM Power Train" двигатель заводи ишлаб чиқариш муҳандислари Ж. Иноятхўжаев ва Х. Файзуллаев, "GM O'zbekiston" автомобил заводи штамп цехи муҳандиси М. Сатторов, "Ангрен логистика маркази" эксплуатация бўйича муҳандис Э. Асилбеков ва бошқа кўплаб соҳа мутахассислари билан жонли учрашувлар ташкил этилди. Бу каби тадбирларда талабалар касбий фаолиятга доир ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Институтда ташкил этилган "Турдош техник таълим муассасалари ижодкор талабаларининг биринчи анжумани" ҳам ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин намунаси сифатида эътироф этилди. Ушбу анжуман биринчи бор ташкил этилишига қарамасдан, унда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 7та олий таълим муассасаси, Тошкент шаҳридаги 6та академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг 130 нафарга яқин вакиллари қатнашди. Илмий амалий анжуман сўнггида турдош олий таълим муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги амалий ҳамкорлик янада кенгайтирилиб, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш ҳам белгилаб олинди. Баҳор-ёз даврида эса ушбу тадбир Паркент туманининг сўлим гўшасида жойлашган Хисорак ўқув полигонида ўтказилишига келишиб олинди.

Клуб аъзолари иштирокидаги турли мавзуларга бағишланган тадбирлар, учрашувлар, дебат ва ўқув-амалий машғулотларнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, уларга таклиф этилган соҳа мутахассислари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари ўз корхоналари учун малакали, изланувчан бўлғуси кадрларни танлаш, улар билан мунтазам ишлаш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Иқтидорли талабалар томонидан илгари сурилган баъзи ғояларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилгани эса ана шундай ўзаро ҳамкорликнинг амалий натижаси дея эътироф этиш мумкин.

**Аббос МУҲИТДИНОВ,**
**Тошкент автомобиль ва йўллар институти илмий-тадқиқотлар бўлими бошлиғи**

# ШИШАСОЗЛИКНИНГ ТЎРТМИНГЙИЛЛИК ТАРИХИ

*Yangi nashr*

Марказий Осиё дунё тамаддунининг қадимий ўчоқларидан биридир. Сон-саноқсиз илмий кашфиётлар, ихтиролар шу заминда юзага келган. Жумладан, шишасозлик маданиятининг пайдо бўлиши ва тараққий топишида ҳам Марказий Осиёнинг ўрни катта. Бироқ ҳалигача бу соҳанинг тарихи мукаммал ёритилмаган эди. Профессор Абдуғани Абдуразоқовнинг "История стеклоделия Центральной Азии в древности и средневековье(основные этапы)" ("Фан", 2012) — "Марказий Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шишасозлиги тарихи(асосий босқичлари)" монографияси бу борада йирик илмий воқеа бўлди.

Мазкур салмоқли тадқиқотда оқли олим шишасозликнинг бронза ва темир давридан то сўнгги ўрта асрлар: XV — XVII асрларгача бўлган тарихини атроф-лича ёритган. Бу катта тадқиқот археология ва кимё фани ҳамда қадимги манбалардаги маълумотларни умумлаштириб, улар устида олиб борилган илмий изланишлар натижасида майдонга келган. Монографияда таъкидланишича: "Шишасозлик ривожланиши инсониятнинг кўпгина билим ва тажрибаларига асосланган ҳолда, маълум жойдаги ишлаб чиқариш кучлари ва омиллари аввалги ҳолатидан бир қадар юқори даражага кўтарилиши билан чамбарчас боғлиқ равишда, муайян макон ва замонда юзага келиши мумкин экан. Шундай шарт-шароит Марказий Осиё ҳудудида анчагина илгари — неолит ва бронза даврларида юзага кела бошлаганига қарамасдан маҳаллий шишасозлик милоддан аввалги I мингйиллик ўрталарига келиб пайдо бўлганлиги аниқланди.

Олинган натижалар ва тўпланган маълумотлар Марказий Осиё шишасозликнинг ҳар қадимги марказларидан бири эканлигини кўрсатди. Бу ерда шиша ишлаб чиқаришдаги кўпгина янгиликлар, ечимлар ва муаммолар ўзига хос йўллар билан ҳал қилинган. Хусусан, шишасозлар маҳаллий шарт-шароит ва хомашё ресурсларидан келиб чиққан ҳолда, ўзига хос кимёвий таркибга эга бўлган шишалар яратганлар ҳамда шиша идишлар шаклига турли хил ижобий ўзгартиришлар киритганлар. Ўзининг деярли тўртмингйиллик тарихига эга бўлган маҳаллий шишасозлар бу давр мобайнида 20 хилдан ортиқроқ кимёвий таркибга эга бўлган шиша турларидан фойдаланганлар. Улардан 40дан ортиқ турли-туман безаклар, ал-кимё ва тиббиёт фани идишлари, хўжалик буюмлари, дераза ойналари ясалганлиги, хаттоки, шишадан монументал архитектура ёдгорликларида кенг қўлланган қурилиш қопламаси ўрнида фойдаланилганлиги — шиша декоратив тахтачалар юзига суриладиган қоплама сифатида ишлатилганлиги маълум бўлди...".

Монографияга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Т. Ш. Ширинов масъул муҳаррирлик қилган.

Китобнинг тақризчилари: ЎзРФА академиги, тарих фанлари доктори, профессор Э. В. Ртвеладзе, тарих фанлари доктори, профессор А. А. Аҳмедов, техника фанлари доктори, профессор С. С. Қосимова.

# ОТА — ОИЛА УСТУНИ

## 4-суҳбат

**Отанинг оилада, жамиятда тутган ўрни беқиёсдир. У хонадонларнинг устуни экан, юртнинг жон томирлари бақувват ва мустаҳкам бўлади. Лекин, ҳар доим ҳам шундаймикан? Нега айрим нуқталарда рўзғор ва фарзандлар тарбиясининг юки ожиза аёллар елкасига тушиб қолаяпти? Ёхуд ота фақат топувчи ва таъминотчига айланган ҳолатлар қайд этилаяпти? Биз бугун ана шулар хусусида психология фанлари номзоди Одинахон ОТАЖОНОВА билан мулоқот уюштирдик.**

**— Кузатишлар, тадқиқотлар кўп ҳолларда оиладек муқаддас гўшанинг вайрон бўлишига оддийгина қайнона-келин ёки қуда-андалар, қайинсингилу қайиноғалар аро юзага келадиган зиддиятлар сабаб бўлаётганини, ёхуд келинчакнинг янги хонадонга "эл" бўла олмаётгани, унинг укувсизликда айбланиши каби озгина эътибор билан ҳал этилиши мумкин бўлган ҳолатлар таъсир этаётганини далилламокда. Энг оғриқли томони шундаки, бунда аёл ёки атрофдагилар "айбдору", эркак бир четда гўёки юмшоқ ва беозор кимсадек саналиб қолинади. Хўш, нега дилбар ва хушхулқ саналиб эъзоз билан бу уйга кириб келган қиз бетгачопар ва қайсар, тантиқ аёлга айланди. Бунда наҳотки эрнинг ҳеч қандай айби ҳам, нуқсони ҳам бўлмаса?**

— Жуда долзарб муаммони ўртага ташладингиз. Илмий изланишларим, кўп йиллик кузатишларим натижасида шунга амин бўлдимки, оилада эр юксак идрок соҳиби, ҳар доим ва ҳар қандай ҳолатда тарози паллаларини бирдек ушлаб тура оладиган адолатпарвар бўлмоғи шарт. Турмуш қуриш арафасида турган йигит ҳали гўшангага кирмасданоқ турмуш ўртоғининг қандай қилиб хонадонининг севимли бекасига айланиши, яқинларига сингишиб кетиши хусусида бош қотирмоғи жоиз. Чунки эр оиланинг қўрғони, хотини ва фарзандларининг посбони ҳам саналади. Бу уларнинг ёмон иллатлардан-да асровчи маърифатпарвар тарбиячи эканига ҳам ишорадир. Фақат талаб қўйиш ёки хотинни ардоқлаш билан иш битмайди. У ёрининг қўлини сўраган маҳали унга "Мен сени ҳеч кимга хафа қилдириб қўймайман, лекин бу сенга ҳамма нарса мумкин дегани эмас. Мен ва яқинларимни ҳурмат қилсанггина сени эъзозлайман..." маъносидаги талабларини қўя олмоғи шарт. Хотинни босиқлик, сабр ила кечиримлиликка ўргата бориш ҳам эрнинг зиммасидадир. Биз фарзандларимизга таълим-тарбия берувчи мураббийларнинг қаттиққўлликдек хислатларини фазилат санаймиз. Оилада эр ҳам ана шундай қатиққўл, бир сўзли, адолатли, керак ўринда меҳрли, кези келганда қаҳрли бўла билмас экан, ўз қўли билан оиласини жар ёқасига бошлаб бораверади. Кун келиб қайнона-келин ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлди, ёки хотини унинг фикри билан ҳисоблашмай қўйдими, йигит ортига қараб ўз хатосини изласин! Демак, у оилада ўз мавқеини йўқотган. У оилани бошқариш илмидан воқиф эмас! Онасидан ўғил, хотинидан ёр сифатида руҳан узоқлашган. Эркак — оиланинг устуни, деймиз. Агар мажозий маънода олсак, устун бир томонга озгина қийшайди ёки мўртлик қилдими, ўпирилиш пайдо бўла бошлайди. Ҳурматли эркакларимиз, ўзларини бақувват ва толмас, ҳар ёнини бирдек тута олгувчи устун бўлмоққа тайёрласалар оилалар, жамият мустаҳкам бўлади.

**— Сўзингизда эркакнинг оиладаги мавқеи хусусида тўхталдингиз. Назаримда, хонадон аҳлининг ана шу мавқеи тан олишларида аёлнинг ўрни ҳам алоҳида. Эрининг оилада бундайин "мартаба"га эришишига кўмаклашган аёл, ўз навбатида ўғлининг эртага рўзғорида шундай "даража"га етишишига замин яратади.**

— Албатта. Мутафаккирларимизнинг дурдона асарларида, мумтоз адабиётимиз намуналарида ота шахси ниҳоятда улуғланган. "Отанг ўтирган уйнинг томига чиқма", "Отанг билан юрсанг, ундан илдамлаб кетма" маъносидаги пурмаъно иборалар ана шундай эҳтиром боис қалблардан ўрин олган. Хотиннинг фарзандлар билан муносабатда оддийгина "Бунга отанг нима деркан", "Отангга айтаман", "Отанг билан кенгашиб бир хулосага келайлик" сингари такрорлари хонадонда сиз айтганингиздек отанинг "бўй-бастини" ўстира боради. Эркакка шундай ишонч, таянч сифатида қаралдими, энди у ўзида кўп эзгу ишларга қодирлик, шаҳду шижоат топа боради. Лекин, аччиқ ҳақиқатки, ўзига отасидан ношудликни мерос қилиб олган йигитлар ёки униб-ўсган хонадонидан аёлнинг "Меники тўғри, менинг қўлимдан ҳамма нарса келади, мен бировга муҳтож эмасман..." каби маъно-лардаги тутумларини "сеп" сифатида олиб кетган қизларимиз ҳам йўқ эмас! Ҳамма ўз ўрнида туриб, бир-бирига йўл бериб, бир-бирини аяб, зийраклик билан вазифаларини адо этган хонадондагина соғлом муҳит ҳукм суришини унутмаслик даркор. Халқимиз орасида "Эрни вазир қиладиган ҳам, разил қиладиган ҳам хотин" деган гап юради. Кези келганда мен бу нақлни эркакларимизнинг аёл тарбиясидаги уринишларига ҳам ишлатиш мумкин, деган бўлардим. Худдиким, эри суйган аёлни эли севгани янглиғ ўз оиласида менини топган эркаккина маҳаллада, жамиятда мавқега эга бўла олади. Кўраяпсизми, нақадар бир-бири билан занжирмисол боғланиб кетган муносабатлар. Бу занжир тарқоқ ва узуқ-юлуқ бўлса, билингким, бу уйда улғаяётган болаларнинг оила хусусидаги тасаввурлари тўлақонли, ижобий бўла олмайди.

**— Одинахон, қизиқ бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман: мактабларда ўтказиладиган ота-оналар мажлиси ва ёши бир жойни қоралаган эркакнинг юрак хасталигига мубтало бўлиши. Хўш, бу икки далил ўртасида қандай боғлиқлик бор, дейишга ошиқаётгандирсиз?! Яқинда бир воқеликнинг гувоҳи бўлдим: вояга етган йигит асло отасини тингламайди. Ўта муҳим масалаларни ўзича ҳал этади. Уни ҳеч кимдан кам қилмай ўстирган отага эса бу алам қилади. Бундайин ҳаракатлар бора-бора ота ва ўғил ўртасида йиқитиб бўлмас devor ҳосил қилди. Отанинг қадди эгилди. Охири юрак хуружи билан касалхонага тушди... Мен бу қисматни четдан туриб таҳлил этдим ва билдимки, ота вақтида ҳеч қачон ўғлининг дарду дунёси билан қизиқмаган. Мураббийси, дўсти кимлиги, у қандай ўқиётгани-ю неларга меҳр қўяётгани билан қизиқишга, елкаларига қўлини қўйиб, юрагига қўл солиб суҳбатлашишга имкон, вақт топмаган. Бирор марта мактабига бориб ота-оналар йиғинида иштирок этмаган экан. Югуриб-елиб ҳаммадан зиёда едирган, ичирган, кийинтирган ва ана шу меҳнатлари ила бурчини адо этаётганини миннат ҳам қилган баъзида...**

— Жуда-жуда оғриқли, аммо кам учрамайдиган ҳолат. Яна илмий изланишлар натижасига мурожаат қилмоқчиман: айниқса ўғил бола ўспиринликка ўтиш даврида отасининг руҳий мададига муҳтож бўлади. Чунки айнан шу ёшида у ўзини бошқаларга англатишга, "мен"ини кўрсатишга интилади. Ҳатто кўнглида севгига, қизларга яхши, суюкли кўринишга мойиллик пайдо бўла бошлайди. Худди шу даврда ота том маънода ўғлининг ёнида туриб, унинг сирдошига айланиши шарт. Келажакда ўғилларимга суянаман, улар менинг фахру ифтихоримга, қувватимга айланади, деган ота машойихларимиз айтганидек, "подшолик", "қуллик", "дўстлик" даврини бошидан кечирувчи боласини "қуллик"дан "дўстлик"ка ўтаётган палласида тўғри маънода ўзи томон "эгиб" олиши ҳар иккиси учун ҳам жуда муҳим! Агар ота ана шунга эриша олса, ўғил ҳаётда камроқ қоқилади, ўзи ҳам кексайганида хотиржамликдек ҳаловат топади. Сиз тилга олган мактаблардаги ота-оналар йиғинларининг номланишига эътибор берайлиг-а: ота-оналар, она-оталар эмас! Бундайин кенгашларда ҳозир бўлган ота фарзандининг тарбияси, таълими билан боғлиқ жуда кўп ўзи билмаган маълумотларга эга бўлиши шак-сиз! Бу иштирок ўқитувчидан ҳам кўра ота учун муҳим, негаки, у боласи билан ишлашда яна нималарга эътибор бериши кераклиги, қандай масалалар назаридан четда қолаётганидан воқиф бўлади. Боласининг ютуқлари кўнглини ғурурга тўлдирса, камчиликлари устида мактаб билан қандай ҳамкорлик ўрнатиши мумкинлиги йўриғини олади. Маърифатли, уйининг тарбиячиси, қалқони бўлган ота бундай йиғинлар хотимасидан сўнг уйига келиб аёли, вояга етган фарзандлари билан бафуржа кенгашади. Уларнинг фикрини тинглаб, хулосаларни умумлаштиради. Керак бўлса боласининг ютуқларини тақдирлаш, таълими, тарбиясидаги бўшлиқларни баҳамжиҳат бартараф этиш режаларини тузади. Ойида, йилида мактабга бир бориб, уйига келибоқ боласига "Сен унақа экансан, бунақа экансан..." дея ўшқирган ота, кун келиб сиз тилга олганингиздек ўзига дард, алам, армонлар орттириб олади.

*Ruhiyat olami*

Ана шулардан келиб чиқиб, ҳамма юк онанинг зиммасида бўлган оилаларда эса ўғиллар келажак тасаввурларида ёки хотинига ўзини тобе ҳолда кўрадилар ёхуд умр йўлдошини оналарсидек "лидер" бўлиб қолмасдан кўр-кўрона "қайириб" олиш ниятини кўнгилларининг тубида сақлаб мустақил ҳаёт томон қадам ташлайдилар. Аёнки, улар отадан оилани бошқариш илмини чала-чулпа олишди. Ота бўлиб рўзғорида энг катта мураббий эканини билмайин фарзандларини учирма қилаётганлар ўзлари учун ҳам, жамият учун ҳам қанчалар зарар етказаётганларини англашармикан?

Баъзида ўйлаб қоламан, нега аксарият ҳолларда эркакларимиз аёлларга нисбатан кам умр кўришади. Бу масала илмий жиҳатдан кўп ўрганилган, албатта. Лекин мен психолог сифатида саломатликнинг руҳият билан чамбарчас боғлиқлигини инобатга олиб, "Эркакники ичида" деганларидек, бир пайтларги оилавий, фарзандлар тарбиясига эътиборсизликларнинг касри умрни кемирувчи сабаблар сирасига киради, деган хулосани ҳам ўртага ташлаган бўлардим.

Бир моҳир ошпазни биламан. У доим тансиқ таом пиширса олдини отасига узатгириб юборар ва бу хислатини дўстлари ҳамиша олқишлаб, ибрат олишади. Бу фазилатнинг "илдизи" қайси сеҳрли булоққа бориб туташган, экан, дея қизиқдим: унинг отаси отасини шундай иззатлаган ва, ўз навбатида, ўғлига нафақат ҳунари, фазилатларини ҳам ҳадя эта олган экан! Қарангки, ошпазларнинг мазкур сулоласи вакилларининг барчаси узоқ ва хотиржам умр кўриб аждодлари анъаналарини давом эттириб келишаётир.

**— Амир Темур ҳазратлари келин танлаш масаласини сиёсат даражасига кўтарганлари хусусида ўқиганмиз. Мен ҳам болалигимни эсласам қариндош-уруғларимизнинг ўғилларини уйлантириш машварати оталаримиз, тоғаларимиз даврасида "Маслаҳат оши" тарзида кўрилгани хотирамда жонланади. Лекин, кейинги пайтда бу вазифа аксарият ҳолларда аёллар томонидан ҳал этилаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Халқимизда "Онасини кўргину қизини ол" деган нақл борлигини эътироф этган ҳолда бу тутумни бир қадар оқлаш мумкиндир, аммо...**

— Фикрингизга қўшиламан. Отабоболаримиз қиз улғаяётган хонадоннинг эркаги оиласини қандай маҳкам ва мустаҳкам тута олганлиги, тоғалари-ю амакилари ким бўлганлигини астойдил ўрганиб, суриштиришганки, юқорида тилга олганимиздек, ота ҳар жиҳатдан хонадоннинг қўрғони, мураббийси саналган. Қиз ярим ялангоч кўчага чиқиб кетаверса-ю ота кўриб кўрмасликка олса, аёл рўзғорни бут қилайин дея ўзини ўтга-чўққа урса-да, эркак пинагини бузмаса, бундай хонадонда соғлом турмуш тарзи ҳукмрон, деб айтиш қийин. Қиз отасидаги ана шу бепарволик, қайсидир маънодаги мутеликни кўриб вояга етаяпти. Жумладан, у ўзи билан шундай қарашларни олиб кетади бошқа хонадонга. Шу боис ҳам келин ва куёв танлаш масаласининг масъуллигини асосан оталар ҳал этгани маъқул. Агар эркак хулосаларини жамлаб хотинига "Фалончининг аждодлари яхши одамлар, сен бориб уйининг ички ҳаётини ўрганиб кел-чи..." деган маънода иш тутилса, бу бошқа масала...

**Ҳаётий воқелик билан суҳбатимизга хотима ясамоқчимиз: ўтмиш эмас, сизу биз умргузаронлик қилаётган кунларда, узоқ эмас пойтахти азимнинг маҳаллаларидан бирида ёшлари тўқсондан ошган бир отахон истиқомат қилади. У кишининг ўнлаб невара, чевара келинлари бор. Ҳамиша иззату икромда бўлган бобо хонадонида ажойиб анъанани йўлга қўйган: ўғли ёки ўғлининг ўғлими, қизи ёки қизининг қизи келин оладими, уч кун ўтгач навниҳол келинчакни ёнига чақириб, қўлидан чой ичганча унга обдон насиҳат қиладилар: "Қизим, сиз авлодимизнинг давомчисисиз. Биз сизнинг посбонларингиз. Эрингиз койиса оғринманг, у сизнинг феъли-нгиз янаям чиройли бўлсин, дейди. Қайнотангиз ранжиса кўзгуга боққандайин ўзингизни ростлаб олинг, шу кўзгу бўлмаса, айбингизни қаердан кўрасиз. Мен бир сўз айтсам, ҳикмат деб билинг, сизга ҳеч ким кўчадан келиб оила илмидан сабоқ бермайди!.. Кўрган фақат девор эмас, жисмингизни кўриклагувчи. У муаллимдир аклингиз, шуурингизни зийнатлагувчи...". Бу сулола келинларидан бир гап чиққани, эркакларининг қадди эгилганини ҳеч ким кўрмаган. Болалари эса ҳамиша катта-катта орзулар билан яшашади, эришади ҳам! Улар хонадонларидан хотиржам ҳолда чиқиб жамиятимизнинг турли жабҳаларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келишаётир.**

**Ойбуви ОЧИЛОВА**

## *11-yanvar — Xalqaro tashakkur bildirish kuni*

# ЙИЛНИНГ ЭНГ «ХУШМУОМАЛА» КУНИ

**Кун давомида бир неча бор оила аъзоларимиз, яқинларимиз, ҳамкасбу танишларимиз, ҳаттоки, етти ёт бегонага ҳам раҳмат айтиб, миннатдорлик билдирамиз. Инсониятга хос бу фазилат Ер юзидаги барча миллат ва элатлар учун одатий ҳолга айланиб улгурган. Психологларнинг таъкидлашича, "раҳмат" сўзини айтиш ёки эшитиш инсон кайфиятини кўтариб, руҳий қувват берар экан. Шу сабаб ушбу ижобий хислатни янада шакллантириш мақсадида 11 январь — "Халқаро ташаккур билдириш куни" деб эълон қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда ЮНЕСКО томонидан расман тасдиқланган бу санада сайёрамиз аҳолиси хушмуомалалик билан бир-бирига кўпроқ миннатдорлик билдиради.**

Дунёнинг етакчи сайёҳлик агентликлари кўрсатмаларида сайёҳ меҳмонларга "раҳмат", "ташаккур" сўзларини кўп маротаба айтиш белгилаб қўйилган. Сабаби, гарчи нотўғри талаффуз билан бўлса ҳам ўз она тилида эшитилган ушбу сўзлар меҳмонларга мўъжизавий таъсир этади: улар турли миллат вакиллари бўлган одамларни бир-бирига яқинлаштиради, хизмат кўрсатиш сифатини оширади, кўнгилли ҳордиқ чиқаришни таъминлайди. Эътиборлиси, кўплаб тилларнинг луғат бойлигида бир неча асрлар аввал пайдо бўлган "раҳмат" сўзи ҳар бир миллат маданиятида муҳим ўрин тутади.

"Халқаро ташаккур билдириш куни"нинг ўзига хослиги шундаки, бу санада кўпроқ чин дилдан раҳмат айтиб, миннатдорлик изҳор этиш тарғиб қилинади. Кўпгина мамлакатлар аҳолиси шу куни ўзига йил давомида яхшилик қилган инсонларга ташаккур билдиради. Улардан айримлари қўшнисига ёки дўстига кўнгироқ қилиб, қачонлардир қилган ёрдами учун раҳмат айтишни канда қилмайди. Интернет манбаларида келтирилишича, шу куни севимли устозининг уйига бориб, берган таълим-тарбияси учун миннатдорлик билдирган инсонлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Кузатувлар шуни кўрсатадики, раҳматнинг энг кўпи, аввало, ота-онага, сўнгра оила аъзоларига, кейин эса дўсту ёр ва яқинларга айтилар экан.

Ушбу санани турли миллат вакиллари ўз урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда нишонлайдилар. Мисол учун, Японияда одамлар бир-бирларига таъзим қилиб, табассум билан ташаккур изҳор этади. Боши ерга теккудек эгилиб қилинган таъзим маъноси биродарига бўлган ташаккур ва юксак илтифот белгиси ҳисобланади. Хитойликлар эса бу кунда сўз билан эмас, балки имо-ишоралар билан бир-бирларига миннатдорлик билдиришади. Ҳиндистонда бу байрам айниқса ўзгача нишонланади. Ҳинд халқининг удумларига биноан, раҳмат айтилаётганда қўллар қовуштирилади ва бош узра кўтарилади. Бу пайтда қўлларнинг пастга туширилиши ҳурматсизлик ҳисобланади. Ҳиндларнинг дўст ёки ҳамкасбларига таъзим қилиши, байрам табригидан дарак беради. Бразилияда эса биргина "раҳмат" сўзини бир неча тилда ифодалаш одатга айланган. Турли кўринишда миннатдорлик билдираётган бразияликлар имо-ишоралар билан суҳбатдошига хушкайфият бағишлайди. Америка Қўшма Штатларида бу кун "International Thank You Day" (Халқаро раҳмат айтиш куни) номини олган.

Инсоният табиатан ташаккур билдириш ва миннатдорлик изҳор қилишга интилади, таъбир жоиз бўлса, ўзи ҳам бунга эҳтиёж сезади. Боиси, одамлар қалбида ҳамиша эзгуликка интилиш, эзгу амалларни бажариш истаги ҳукмрондир. Эҳтимол, шу сабаб, айнан 11 январь куни биргина "раҳмат" сўзини турли миллат вакиллари ўз тилларида бир неча бор такрорлашдан чарчамайдилар. Мисол учун, араблар shoukran (шукран), инглизлар thank you (сэнк ю), гаваяликлар mahalo (маҳало), греклар evkaristo (эфхаристо), мўғуллар vayarla (вайала), корейслар kamsahamnida (камсаҳамнида), исландияликлар takk (таак), италияликлар grazie (грацие), испанлар gracias (грасиас), олмонлар danke schön (данке шон), руминлар multimesk (малтимеск), французлар merci beaucoups (мерси боку), латвияликлар paldies (палдис) дея бир-бирларига илтифот кўрсатишади. АҚШнинг "Reader's Digest" журналида ёзилишича, дунёнинг энг йирик шаҳарларидан бири Нью-Йорк аҳолиси "раҳмат" сўзини энг кўп ишлатувчилар қаторидан жой олган. 100 баллик рейтинг бўйича Нью-Йорк 80, Цюрих 77, Торонто 70 баллни қўлга киритган. Мумбай, Бухарест ва Жакарта рейтингнинг қуйи ўринларидан жой олган.

Инсонлар ўртасида илиқ муносабатларни юзага келтирувчи "раҳмат" сўзининг ўзбек тилида бир нечта синоними мавжуд. "Миннатдорман", "ташаккур" каби сўзларнинг нисбатан кўп ишлатилиши халқимизга хос хушмуомалалик ҳамда маданиятлилик белгиларидан бири саналади. Халқимиз нафақат бир кун мобайнида, балки йил давомида ҳам ўзаро мулоқотларда "раҳмат" сўзини канда қилмайди. Халқ оғзаки ижодида, эртаг-у масал, ривоятлар қаҳрамонлари тилида "раҳмат", "ташаккур" каби миннатдорлик ифодалари кўплаб учрайди.

"Раҳмат" сўзи қудратли кучга эга бўлиб, у орқали инсондан инсонга биоқувватлар ўтиши тадқиқотчилар томонидан исботланган. Руҳиятни кўтарувчи, одамлар орасига илиқлик ва меҳр улашувчи бу сўз инсон ҳаётига кўплаб омадли кунларни олиб кира олар экан. Кўплаб тадқиқотларда миллионлаб омадли инсонларнинг ҳаёт тажрибаси ўрганилган. Ушбу тадқиқотлар натижасига кўра, ҳаётда муваффақиятга эришувчи одамлар доимо бир "қонун"га риоя қилишган. Бу ҳам бўлса кун давомида барча яхшиликлар учун миннатдорлик билдириб юриш. Ҳамиша муваффақиятга эришувчи одамларнинг аксарияти эрта тонгдан меҳрибон ота-онаси ва яқинларига, кулиб чиққан қўёшга, пиёдалар ўтиш жойида тормоз босган ҳайдовчига раҳмат айтиб, кун давомида яхши кайфиятга, ҳаёти мобайнида эса улкан омадга эришган.

Аксарият ҳолларда одобахлоқ меъёрларига риоя қилувчи инсонлар томонидан ишлатилувчи "раҳмат" сўзи қисқа фурсат ичида ҳамсуҳбатига ижобий таъсир этади. Инсон қалбининг туб-тубидан чиққан оддий, аммо самимий бу сўз "сеҳрли куч"га айланиб, ўз самарасини кўрсата бошлайди. Шунингдек, ўзаро муносабатларни ижобий томонга ўзгартиришда ҳам миннатдорлик туйғулари асосий восита бўлиб хизмат қилади. "Раҳмат" сўзини эшитган инсоннинг ҳиссиётлари оз фурсатда ижобий томонга ўзгаради.

— Эрта тонгдан билдирилган миннатдорлик сабаб, кун давомида юз берадиган кўнгилсизликлар ҳам кайфиятни буза олмайди. Инсонларга миннатдорлик билдириш эса яхши хулқ соҳиби эканидан далолат беради. Яхши хулқ соҳиби бўлган кишилар суҳбатдошларига раҳмат айтиб, улар кайфиятининг кўтарилишига сабаб бўлади. Хулқ-атвор кайфият натижаси деб ҳисобланади, лекин улар бир-биридан ажралмасдир. Биз ўз иродамиз билан хулқ-атворимизни бошқарар эканмиз, бевосита иродамизга бўйсунувчи кайфиятимизни ҳам бошқарамиз, — деб ёзади Ҳарвард университети профессори У.Жеймс.

Психологлар самимий муносабатларни юзага келтирувчи "раҳмат" сўзини ҳар доим ва ҳар ерда чексиз ишлатишни маслаҳат беришади. Америкалик педагог, психолог Дейл Карнегининг "Муомала сирлари" китобида "Америкалик иллюзионист Ҳовард Терстон саҳнага чиқар экан, ўзўзига: "Мен бу одамлардан томошамга келганлари учун миннатдорман. Улар менга тирикчилик қилиш учун ўзимга ёққан иш билан пул топишимга имкон бераяпти. Мен улар учун қўлимдан келган нарсани кўрсатаман", дер экан. У ҳар доим: "Томошабинларим менга ёқади", дея такрорлар, эътиборлиси, бу сўзларни у чин дилдан айтарди" деб ёзади. Дарҳақиқат, миннатдорлик туйғусигина инсонлар ҳаётига мазмун бағишлаши мумкин.

Шубҳасиз, Халқаро ташаккур билдириш куни нишонланадиган 11 январни йилнинг энг "хушмуомала" куни деб айтсак бўлади. Барчамиз одоб-ахлоқ қоидаларини яхши биламиз, уларга амал қилишнинг заруратини яхши англаймиз. Шунга қарамай, **ҳар доим ҳам уларнинг мазмун-моҳияти учунгина эмас, балки бу ҳаётий заруратга айлангани боис ташаккур билдириб келамиз.** Ахир, ташаккур, раҳмат деган сўзлар ажойиб сеҳрга эга — уларнинг ёрдамида одамлар бир-бирига хурсандчилик улашади, ижобий ҳиссиётларини билдиради, уларсиз эса, ўз навбатида, ҳаётимиз зерикарли ва маъносиз бўлиб қоларди.

Руҳшунослар ташаккур сўзлари қувват бағишловчи ва таскин берувчи "оғзаки воситалар" дея таъкидлашади. Энг муҳими, улар чин дилдан ва ҳар куни такрор-такрор айтилиши зарур. Шу боис раҳмат айтишни ва шу орқали одамларга хурсандчилик улашишни канда қилманг. **Ҳаммангизга раҳмат.**

**"Ma'rifat" мухбири Гулюз ОРИФЖОНОВА тайёрлади.**

## САЙЁРА ҲАРАКАТИ ҲАЙРАТЛАНАРЛИ

**Астрономлар "Зомби-сайёра"нинг орбита бўйлаб нотурғун ҳаракати сирини очиш устида изланиш олиб бормоқда. Яқиндагина Хаблл космик телескопи ёрдамида олинган навбатдаги суратлар ёрдамида Фомальгаут b сайёрасининг ўз орбитаси бўйлаб нотурғун ҳаракати аниқланди. Ушбу сайёра умумий марказга эга бўлмаган ҳолда бир ондаёқ орбита бўйлаб ўз ҳаракатини ноодатий тарзда ўзгартириб, турли қутбларга оғиб кетмоқда.**

— Шу пайтга қадар сайёраларнинг бундай нотурғун ҳаракатини кузатмаган эдик, — дейди Калифорния университети астрономи, тадқиқотчилар гуруҳи раҳбари Пол Кэлас. — Ушбу ғаройиб сайёранинг кутилмаган ҳаракатлари сабаб унга "Зомби-сайёра" дея ном берилди. Олимларнинг таъкидлашича, бу каби сайёралар юлдузлар туркумида кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Фомальгаут b 2008 йили илк бор аниқланган бўлиб, унга сайёра мақоми 2012 йилдагина берилган эди.

## КУЧЛИ ПОРТЛАШ ИЗЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**Америка космик тадқиқотлар агентлиги — НАСА расмий сайтида эълон қилинишича, космик ускуналар катта ҳажмдаги юлдуз портлаши оқибатларини қайд этди. NuSTAR космик телескопи орқали тасвирга олинган бу портлаш заминимиздан 11 минг ёруғлик йили узоқликдаги Кассиопея юлдузлар туркумида жойлашган бўлиб, олимларнинг таъкидлашича, портлаш бундан 300 йил илгари содир бўлган. Портлаш натижасида вужудга келган қолдиқлар соатига 6,5 минг километр тезликда атрофга тарқалмоқда.**

Тахминларга кўра, катта ҳажмдаги юлдуз портлаши натижасида ҳосил бўлган улкан масса шу пайтнинг ўзидаёқ космик кенгликлараро тарқалган. Бу эса портлашдан юзага келган ёруғлик нурларини тўсувчи ўзига хос тўсиқ вазифасини ўтаган. Термометрик кўрсаткичларнинг қайд этишича, тўсиқ устки қисмининг ҳарорати 30 миллион даражага тенг.

Олимлар портлаш натижаларини ўрганиш орқали коинот, борлиқ ҳақидаги янги маълумотларга эга бўлишга умид билдиришмоқда.

## ЭЛЕКТР ЧИРОҚЛАР САЛОМАТЛИК УЧУН ХАВФЛИ(МИ?)

**Стоуни-Брук университети (АҚШ) олимлари энергия тежовчи лампаларнинг инсон саломатлигига таъсирини ўрганишга доир тадқиқотлари натижасида шундай хулосага келишди.**

Тадқиқотчилар одатий ва энергия тежовчи лампаларнинг тери ҳужайраларига таъсирини таққослаб кўрдилар. Таъкидлаш жоизки, кузатув ишлари ҳозирча инсонларда эмас, балки лабораория шароитида фақатгина тирик ҳужайралар устида олиб борилмоқда. Маълум бўлишича, энергия тежовчи лампалар ўзидан инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи ультрабинафша нурларини кўп миқдорда чиқарар экан. Одатий лампа нурларида эса ҳеч қандай салбий таъсирлар кузатилмаган.

— Энергия тежовчи лампалардан таралаётган нурларни узоқ вақт қабул қилиш тери саратони хавфини кучайтириши мумкин, — дейди Стоуни-Брук университети дерматологи Марсия Салмон.

Мазкур мавзуга бағишланган илмий мақоланинг чоп этилиши энергия тежовчи лампа ишлаб чиқарувчиларни ташвишга солган. Уларнинг таъкидлашича, лампалардан таралувчи ультрабинафша нурлар белгиланган меъёрдан ортиқ эмас, дея хабар берилади compulenta.ru сайтида.

## НОУТБУКЛАР УЧУН 1 ТЕРРАБАЙТЛИК ВИНЧЕСТЕР

**HGST компанияси томонидан АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида 8-11 январь кунлари бўлиб ўтган халқаро "CES-2013" юқори технологиялар кўргазмасида Travelstar сериясидаги ноутбук ва портатив ахборот ташувчилар учун 1 террабайтлик янги қаттиқ диск (винчестер) намойиш этилди.**

Ишлаб чиқарувчиларнинг таъкидлашича, мазкур янги маҳсулотнинг компьютерга уланиши учун Serial ATA 3.0 (маълумот узатиш тезлиги 6,0 Гбит/с гача) интерфейси хизмат қилади. Винчестернинг қалинлиги 9,5 миллиметр бўлиб, унда ҳажмни 7-10 фоизга ошириб, маълумотлар сақланиши ишончлилигини янада мустаҳкамловчи Advanced Format технологияси қўлланилган.

Янги диск асосида ишловчи Touro Mobile Pro портатив ахборот ташувчиси эса компьютерга USB 3.0 порти орқали уланиб, унинг ёрдамида энергия таъминоти масаласи ҳам ўз ечимини топади. Ҳар икки маҳсулот ҳам сотувга чиқарилган, винчестер 100, портатив ахборот ташувчиси эса 110 АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

## МЕВА ВА САБЗАВОТЛАР ЮРАККА ФОЙДА

**Ғарбий Австралия университетининг Тиббий тадқиқотлар жамғармаси мутахассислари олиб борган изланишлар квертецин флавоноиди юрак қон-томир касалликлари хавфини камайтиришини кўрсатди. Ўтказилган тадқиқотлар натижаси Biochemical Pharmacology журналида эълон қилинди.**

Олимларнинг таъкидлашича, организмга тушган флавоноидлар стрессни меъёрлаштириш орқали ҳужайраларни нобуд бўлишдан ҳимоялайди.

Маълум бўлишича, мева ва сабзавотлар таркибида кўп миқдорда учрайдиган квертецин ва унинг метоболитлари инсон аорта ҳужайраларига ижобий таъсир кўрсатади ва ҳужайралар тизимидаги С-нитрозотиол ва нитрат концентрациясининг ошишига сабаб бўлади. Бу эса уларнинг етарли миқдорда озиқланишини таъминлайди. Шунингдек, мазкур фойдали модда томирларни кенгайтириб, қон айланишини яхшилашда муҳим ҳисобланган азот оксиди фаоллигини ошириши таъкидланмоқда.

Оддий қора чой ҳам квертецинга бой манба бўлиб, уни меъёрида истеъмол қилганларда юрак қон-томир, асаб касалликлари нисбатан кам учраши кузатилган.

Келажакда олимлар томонидан флавоноидларнинг инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши омиллари ҳамда манбалари борасида изланишлар давом эттирилиши режалаштирилган, дея хабар берилади Science Network WA электрон нашрида.

**Санжар РУСТАМОВ тайёрлади.**

## JUMLADA JAHON

yangiliklari ⊙ xabarlari

АҚШнинг Калифорния штати Тафт шаҳридаги мактабда қуролдан ўқ узиб, икки кишининг жароҳатланишига сабабчи бўлган 16 ёшли ўқувчи ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Покистон жанубий-ғарбида жойлашган Белужистон провинцияси пойтахти Кветта шаҳрида содир бўлган иккита кетма-кет портлаш оқибатида 120 нафар киши жабрланган ва улардан 81 нафари ҳаётдан кўз юмган.

Нью-Йоркдаги Лонг-Айленд-Сити ҳудудида баландлиги 380 фут (116 метр) бўлган қурувчи краннинг қулаб тушиши оқибатида жабрланган 7 нафар ишчидан уч нафарининг жароҳати жиддий.

Япония ҳукумати иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун умумий ҳисобда 20,2 триллион иен (226 миллиард доллар) миқдорида маблағ ажратиш ҳамда 600 минг иш ўринлари яратиш кўзда тутилган тезкор чоратадбирлар дастурини қабул қилди.

Германиянинг Франкфурт шаҳрида Европа марказий банки томонидан янгича кўринишдаги 5 евро қийматига эга банкнотнинг тақдимоти ўтказилди.

Австралия жанубий-шарқида ҳаво ҳароратининг кескин ошиши оқибатида юзага келган кўплаб ёнғинлар натижасида биргина Тасманияда 100дан ортиқ иншоот ва тураржой бинолари аланга қуршовида қолган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси Кадрлар ва иш юритиш бўлими бошлиғи Бахтиёр Маҳмудовга акаси

**Равшан МАҲМУДОВ**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси Механика-математика факультети "Ҳисоблаш технологиялари ва математик моделлаштириш" кафедраси доценти Ғайрат Жўраевга отаси

**УМАРЖОН** отанинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси Биология-тупроқшунослик факультети "Биокимё" кафедраси профессори Муборак Абдуллаевага турмуш ўртоғи

**Ғайрат ЮЛДАШЕВ**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси Физика факультети "Умумий физика, физикани ўқитиш услубияти ва атмосфера физика" кафедраси доценти Дилфуза Бекматовага турмуш ўртоғи

**Дилшод НУЪМОНОВ**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси Биология-тупроқшунослик факультети "Тупроқшунослик ва агрокимё" кафедраси кабинет мудири Саломат Ҳакимбоевага падари бузруквори

**Қосимбой ота ҲАКИМБОЕВ**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

## Gurung

Ас-Саъиду-С САМАРҚАНДИЙ

# ЧОЙИ ХИТОЙИ

Ҳаким Мирзо Ҳодий ўз рисоласида ёзмишдурким, чойни топмоқнинг сабаби шундоқдурким, Чин подшоҳларидин бири ўз муқаррав(яқин)ларидин бировин ғазаб қилиб, юртдин чиқориб ва ул одам чангаллар ва тўқайларда юруб, кўб заъиф ва ожиз бўлди. Бир кун бағоят очликдин тоғлар атрофин кезар эрди, ногоҳ мақбули табъ(дилга ёқимли) бир гиёҳни кўруб, они ўзига ғизо(овқат) қилди. Ва андак муддатнинг ичида сиҳат топди. Ва ўзида ҳусни сурат (чирой) мушоҳада қилиб ва баданларида камоли қувват топди ва андин сўнгра шаҳарга келиб, подшоҳнинг муқарраблaридин бирига ўз аҳволин нақл қилди ва ул одам подшоҳ хизматида анинг воқеасин арз қилди ва подшоҳ они талаб қилиб, чун они кўрган ҳамоно анинг суратига таажжуб қилиб, андин аҳвол сўрагондин сўнгра табибларга амр қилдиким, то ул гиёҳни ҳозир қилиб, анинг ҳавосин(хислатин) сабт қилдилар.

Ва чойнинг хосияти буким, ҳарорати ботин(ич)га таскин бериб, қонни соф қилур ва дерларким, Чин шаҳрининг ўртасида бир майдон бордурким, чой анинг атрофида кўкорур. Ва они олмоқ ва сотмоқ ул юртнинг подшоҳидин берухсат мумкин эрмастур ва анинг хирожи подшоҳнинг хазинасига кирар.

Ва мутаржими "Сайдана" Абу Райҳон Беруний дерким, чой бир гиёҳдурким, анинг кўкармоғи Чин мулкига махсусдир. Ва они йиғгондин сўнгра сояда қурутиб, ҳожат(керак) вақтда шарбат қилиб ичилур. Ва онинг шарбати таркиб берилатурғон даволарнинг қойим мақомидурким, чой шарбати зарар бермас. Бу сабабдин табиблар шаробнинг мазаррати(зарари) дафъин анинг била қилурлар. Нечунким, шароб мазаррати дафъига чой шарбатидин яхшироқ даво йўқтур, ва мазаррати шароб дафъига нофъироқ даво чой шарбатидур. Анинг учун аҳли табобат шароб зарари дафъин чой била қилурлар. Нечунким, алар шаробни ифрот(ортиғи) била ичарлар ва аҳли Тибетким, Чин шаҳриға чой савдо қилурлар ва Чин аҳли анинг баҳосиға алардин мушк олурлар. Аммо маълум буким, Тибет бир шаҳардурким, анинг саҳросидин бошқа ерда мушк кеки бўлмас. Ва чойнинг баҳосида кўб фарқ бордур, аълосидин то адноси(пасти)га боргунча ва ҳам анинг хушбўйлигида ва нафъида ҳам фарқ бордур.

### ҲИКОЯТ

Хитой вилоятидин бир неча одамлар сайр учун саҳрога чиқмиш эрдилар ва таом пишируб, бир идишга солиб, анинг устин ул саҳронинг гиёҳлари билан ўртуб(ёпиб) қўюб, бошқа ишга машғул бўлдиларким, фароғат(бўш) бўлғондин сўнгра тановул қилгайлар ва бир андак замондин сўнг ишдин фориғ бўлуб, таом тановул қилмоқчи бўлғонда, кўрдиларким, таом сувдек бўлуб, аралашиб қолмишдир. Ва чун бу амри ғариб(қизиқ иш)ни табибларга изҳор қилдилар. Ва табиблар тафаҳҳус(текшириш) ва қиёс(муқояса)дин сўнгра билдиларким, ул гиёҳнинг япроқларининг хосияти ҳазми таом учун тамом муассир(таъсирли)дур ва они неча маротаба тажриба этиб, маълум қилдилар.

Ва чойнинг навъи кўб бўлур: оқ, кўк, бинафша ва тира(қора) ранг, аммо қораси ҳаммасидин пастдур. Ва аммо аълоси, яъни оқ ранги азиз ул-вужуд ва гаронбаҳо(қиммат)дур ва ани тижорат учун олиб сотилмас.

Ва ул диёрнинг салотин (султон) ва ҳукком(ҳоким)лари ўз амсол(ўхшаш)ларига туҳфа ва ҳадя учун яна бир юртнинг улуғларига юборурлар ва андин бошқаларким, кўк ва тираранг ва қорадур, тужжор(савдогар)лар олиб сотарлар.

Ва баъзи қаллоблар чойни мустаъмали била ғайримустаъмалин(истеъмол қилинадиган ва қилинмайдиган) қўшуб сотарлар.

Ва чойнинг истеъмоли тарихи будурким, сувни яхши қайнотиб, балки ул миқдор қайнатмоқ керакким, тўртдин бири ва ё бешдин бири бўлсун. Бас, чойдин бир андакни чойдонга солиб, устига қайноқ сув солмоқ керак. Андин сўнгра ярим соати комил қўйсинким, то ранги ва иси чиқғой. Ва чун онинг тамъи бир андак талҳдур, агар майл қилғон одам андак набот(новвот) солиб, ширин қилиб ичар ва илло анинг марорати(аччиқлиги) бошқа бир ҳаловатдур. Ва ани юбусат(қуруқ мизожлик) дафъи учун ширчой ҳам қилиб ичилур.

Ва анинг хосияти буким, муқаввийи арвоҳ(руҳни қуввати) ва меъда ва боҳ(шаҳват) ва баданни эътидол(мўътадил) била совуқ ва ратаб(ҳўл) қилур. Ва нишот(шодлик) ҳосил қилиб, бавл(сийдик) йўлини очар ва одамни латиф тутар. Яхши ва фойдали терлатур. Ва аташи козиба (ёлғон чанқов)ни дафъ қилиб, меъданинг ҳароратини дафъ қилиб, андуҳ дудин(тутунин) сўхта(қуйган) жигарлардин чиқарур. Ва қонни ва ранг ва рухсорни соф қилиб, тоза тутар ва адвия(даво)ларни меъда қаъри(ичи)га йўл бошлагучи ва сабаби умқи бадандур(баданнинг энг ичи). Меъда ва димоғни олойиш(аралашма)дин пок қилгучи ва оғизнинг ёмон исин кетургучи ва ҳам андоқ шароб исин ва пиёз ва саримсоқ исин кетуруб, оғизни ширин ва хушбўй қилиб, ҳафақон ва амрози қалб(юрак иллатлари)ни дафъ қилиб, нафас йўлини очиб, ва андуҳни изола(зойил) қилиб ва сарамасни ва сийна иллатларини ва бавосилни ва бавл(сийдик) ҳибс бўлмоқ(тутулмоқ)дин ва ё қатралаб келмоқдин манъ қилиб, юракға қувват берур. Ва яна наҳори (нонушта)дин аввал ичмоқ мизожи иссиғ бўлғон одамга зарар қилур. Аммо, одамиким, меъдасида ахлоти фосида(ёмон хилт) мулоҳаза қилса, хусусанким, оқшомғи таомдин ўзида сақлат(оғирлик) мавжуд топса, албатта, андоқ кишиға таомдин аввал ичмоқ ноқиньдур. Ва чойни, албатта, нимгарм (ярим қайноқ) ичмоқ керак ва яна чойни таомдин сўнгра ичмоқ таомни суръат била ҳазм қилур.

Ва насоро одати ва ҳама атбоъи авсон(бутпараст)лар эртонг билан таомдин аввал ва кун охирида таом ҳазм бўлмоққа қарийб(яқин) вақтида истеъмол қилурлар.

Аммо давойи учун меъдаси ҳароратли бўлғон одамга фуфалким, бир доридур, они эчкунинг сути била ичмоқ керак. Ва меъдаси совуқ бўлғон кишига давойи учун мушк ва қаранфул(қалампирмунчоқ) ва бодиёни хитойи занжабил ва дорчиний(долчин) била ичмоқ керак. Ва ҳарорати ғаризий (табиий ҳарорат)нинг баланд бўлмоқи ва кўзғолмоқиға даво учун уди ҳиндий(ҳинд уди) ва заъфарон ва дорчиний(долчин) била ичмоқ керак...

Bo'lgan voqea

# «БЕЧОРА БОЛАМ»

Қаҳрамонимизни аъмолига кўра Косиб ота деб атай қоламиз. Унинг "ҳовузча"си, "денгиз"и, борингки, дунёга келиб кўрганбилгани шу тоғу тошлар. Ота ўқимади, дунёни кўрмади. Насиб қилмаган экан-да. Лекин ўғлининг бу қоялар қуршовида қолиб кетишини истамади. Ўқишини, "катта" одам бўлишини хоҳлади. Ҳайтовур, отанинг дуолари ижобат бўлдими, ўғил "одам бўладиганлар" сирасидан чиқди, шаҳри азимга бориб, университетга ўқишга кирди. Ўғли шаҳарга кетиб, ҳамма юмуш Косиб отанинг гарданида қолган эса-да, у бундан асло оғринмади. Аксинча, отаизор эртаю кеч боласининг ғамида — "Дил ба "дилбанд"-у, даст ба кор".

Бугун эрта тонгдан меҳмон кутишга ҳозирлик кўра бошлади. Таътил берилибди, талабаси келаётган эмиш. Тоғликларда таомил шундай, кимдир ўқишдан ё узоқ сафардан қайтса, ҳамма унинг зиёратига ошиқади, навбатма-навбат меҳмонга ҳам чақиришади. Шаҳарда борйўғи талабадир, қишлоқда эса азза-базза "истудент"га маз-за. Кўрган борки, унга ҳавас-ла боқади, болаларига ўрнак қилади. (Арзиш керак бунга!)

Толиби илм келдилар. Меҳмонларнинг кети узилмади. Косиб ота қуллуқда. Кеч тушди, келганлар бир-бир кетишди. Йўл юриб чарчаган меҳмон дамини олсин, дедилар. Яхшики, тун бор — ором бор.

Тонг. Косиб ота азонлаб уйғонди, мол-ҳолига қаранди. "Истудент" ҳануз ором оғушида, безовта қилмадилар. Бехосдан отанинг нигоҳи остонада турган оёқ кийимга, "истудент"нинг "босаножка"сига тушди. Тикилиб қолди, ҳаммаёғи тешик, сув ҳам ўтади, лой ҳам. Кўнгли беҳузур бўлиб кетди, ўраги увишди: "бечорагина болам", "мусофиргина болам"...

"Истудент"ни нонуштага уйғотдилар. Эртага дарсга бориш ўйисиз, хотиржам, тошдек қотиб ухлаган эркатой хоҳлаб-хоҳламай кўзларини очишга уринди. Керишди, шишган қабоқларини уқалади, эринибгина ўрнидан кўзғалди. Остонада пойабзал қидирди. Излаганини тополмади, аммо нимадир кўзига ғалати кўринди, қабоқларини қайта уқалади, эгилди, термулди: "босаножка"си... ямалган, бус-бутун, энди ундан сув ҳам, лой ҳам ўтмайди, ўтолмайди...

Голиб БАҲРОМ

# ОДДИЙ ҲАҚИҚАТЛАР

## ТИЛ ОДОБИ

*Сендан тил одоби қандай бўлади деб сўрасалар, шундай жавоб бер: "Яхши фикрни ифодалаш учун оғиз очиш лозим, ёмон гап учун оғизни берк тутгин".*

*Агар сендан қандай ҳолатларда гапириш маъқул деб сўрасалар, шундай жавоб бер: "Дилда пинҳон бўлган нарсаларни изҳор қилиш учун мазлумларга ёрдам қўлини чўзиш ва маҳрумларнинг доду фарёдига етиш пайтида".*

*Нималардан тилни тийиш даркор деб сўрасалар, шундай дегин:*

*Биринчи: ёлғон гапиришдан, зеро, ёлғончилик душмандир.*

*Иккинчи: ваъдага хилоф иш қилишдан, чунки бу иккиюзламачилик нишонасидир.*

*Учинчи: ғийбат ва бўҳтондан, сабаби, бу — фосиқлар ишидир.*

*Тўртинчи: жанжалдан, хусуматдан, гап ташишдан ва шайтоннинг васвасаси бўлган айбгўйликдан сақланиш.*

*Бешинчи: ўзни мақташ ва таъриф-лашдан тийилиш, чунки булар ўздан кетиш, такаббурлик аломатидир.*

*Олтинчи: хизматкорларни лаънатлашдан ўзни тийиш, чунки бу — золимлар феълидир.*

*Еттинчи: ёмон дуо ва ҳақоратдан тийилиш.*

*Саккизинчи: одамларнинг ранжига сабаб бўладиган кулги ва масхаралашдан сақланиш.*

## СЎЗЛАШ ОДОБИ

*Бил, одамнинг шарафи ва ифтихори унинг қандай сўзлашидадир. Кимки сўзлаш одобига риоя қилмаса, у инсонийлик шарафидан бебаҳра қолади.*

*Гап ўринли ва маъноли айтилган бўлса, уни жим туриб тингламоқ фойдалидир.*

*Агар сендан сўзлаш одоби нечта деб сўрасалар, саккизта деб айт:*

*Аввало, бемаврид гапирмаслик;*

*Иккинчидан, лутф ила юмшоқлик билан сўзлаш;*

*Учинчидан, очиқ чеҳра билан гапириб, афтни буриштирмаслик;*

*Тўртинчидан, эшитувчига малол келмайдиган тарзда гапириш;*

*Бешинчидан, фақат фойдали гапларни гапириш;*

*Олтинчидан, ўйлаб, андиша билан сўзлаш. Ўйламай айтилган гап пушаймон келтиради;*

*Еттинчидан, кишилар гапираётганда орага гап қўшмаслик, сўзини бўлмаслик;*

*Саккизинчидан, кўп гапирмаслик, зеро, бу фозиллар иши эмас.*

*Агар сендан ёмон сўз қайси деб сўрасалар, айтгилки, кишиларга зарар келтирадиган сўз ёмон сўз ҳисобланади.*

**"Ахлоқи Муҳсиний"дан.**

Саҳифани Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлади

# МАЙДОНДА МОҲИР КУРАШЧИЛАР

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби базасида кураш бўйича мусобақа ўтказилди. Унда 140 нафардан зиёд полвон ғолиблик учун беллашди.

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 26 декабрдаги буйруғига асосан спортнинг 12 тури бўйича юртимизнинг барча вилоятларида мусобақалар ўтказиш белгиланган эди, — дейди мусобақа бош ҳаками Серик Жусипбеков. — Ҳар бир вилоятда спортнинг битта тури бўйича баҳс уюштирилди. Қорақалпоғистонликлар кураш бўйича бир-биридан қизғин беллашувларга мезбонлик қилди.

Мусобақада иштирок этаётган полвонлар орасида 40 нафар қизнинг ҳам борлиги томошабинлар ва мутахассислар эътиборини тортди. Бу эса мамлакатимизда хотин-қизлар спортига ҳам алоҳида эътибор берилаётганидан дарак.

Беллашув якунида ғолиб ва совриндор жамоалар номи маълум бўлди. Унга кўра, Нукус шаҳридаги 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби вакиллари 1-ўринни эгаллашди. Нукус ва Хўжайли туманидан келган жамоаларга эса мос равишда 2 ва 3-ўрин насиб этди.

Мусобақа ғолибларига бош соврин — Халқ таълими вазирлиги совғаси топширилди. Шунингдек, совриндорлар ҳамда алоҳида индивидуал жиҳатларини намойиш этган полвонларга диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ**
Қорақалпоғистон Республикаси

Шайхонтоҳур туманидаги 314-мактабда вояга етмаган ўқувчи-ёшларни таълим-тарбия жараёнида фаол бўлишга ундаш, уларни спортсоғломлаштириш ишларига кенг жалб қилиш, касб-ҳунар танлашига кўмаклашиш мақсадида семинар-тренинг ташкил этилди.

— Бугунги ёшларимиз ҳам илмда, ҳам спортда халқаро майдонларда ўз ўрнига эга бўлмоқда, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими бош мутахассиси Самир Раҳматуллаев. — Тадбирда ана шундай ютуқларни қўлга киритган ўқувчиларнинг бевосита иштирокида давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Бу эса бошқа ўқувчиларимизни ҳам маънавий, ҳам жисмоний камолот сари ундайди.

Тадбир давомида фан ва спорт тўгараги аъзоларининг ижодий ишлари кўргазмаси ҳамда мусобақа уюштирилди. Мусобақада ўқувчилар шахмат, шашка, армрестлинг, стол тенниси бўйича ўзаро беллашдилар.

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

Реклама * Эълонлар * Реклама * Эълонлар * Реклама * Эълонлар * Реклама * Эълонлар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

**Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига харид қилинаётган компьютер техникаларини кириш техник назоратидан ўтказиш (техник кўрсаткичларнинг мослиги, техникаларнинг сифати ва соз ҳолатдалиги ва бошқалар) хизматларини кўрсатувчи корхона ва ташкилотларни танлаб олиш бўйича танлов (конкурс) эълон қилади.**

Танлов очиқ турда ўтказилиб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун харид қилинаётган замонавий компьютер техникаларининг техник кўрсаткичларини ўрганиш бўйича мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик мақомга эга бўлган барча хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

**1. Компьютер синфи учун компьютер техникалари (тўплам)**

1. Ўқитувчи учун компьютер+ Монитор (1 дона)
2. Ўқувчи учун компьютер+ Монитор (15 дона)
3. Принтер (1 дона)
4. Мультимедиа проектори (1 дона)
5. Экран (1 дона)
6. Стабилизатор (1 дона)
7. Блок питания (1 дона)
8. Switch: 24 port (1 дона)
9. Кондиционер (1 дона)

**2. Ахборот-ресурс маркази учун компьютер техникалари (тўплам)**

1. Компьютер + Монитор (6 дона)
2. Принтер (1 дона)
3. Сканер (1 дона)
4. Блок питания (1 дона)
5. Switch 16 port (1 дона)

Танловда иштирок этиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар учун талаблар:

— корхона фаолияти давомида ушбу соҳа бўйича охирги 2 йилда хизмат кўрсатганлиги (имзоланган шартномалар ва амалга оширилган ишлар ҳажми);

— корхонанинг техник имкониятлари тўғрисида маълумотлар;

— хизмат кўрсатиш ва иш фаолияти учун ўзининг биноси ва тегишли ускуналарининг (ишлаб чиқариш биноси, махсус лабораториялари ва дастгоҳлари) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли ёки ўрнатилган тартибда тасдиқланган нусхаси;

— хизмат кўрсатувчи банкдан талабгорнинг танлов ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда асосий ва иккиламчи ҳисобрақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома;

— танловда иштирок этиш учун корхона томонидан мурожаат хати билан биргаликда тижорат таклифлари ва талаб этилган ҳужжатлар ёпиқ жилдда (конвертда) тақдим этилади; (Нархлар ҳар бир тўплам учун алоҳида кўрсатилади).

Танловда иштирок этиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар таклифлари танлов ўтказилиши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон чиққан кундан бошлаб (шанба ва якшанба кунларидан ташқари 10 кун муддатда) таклифларни қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади.

**100095 , Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.**
**Тел: (8-371) 246-12-40, 246-12-74, Факс: (8-371) 246-12-40, 246-12-74.**
**E-mail: sspo_taminot@mail.ru**

Шунингдек, қўшимча маълумотларни эълон чиққан кундан бошлаб Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази www.markaz.uz электрон сайтидан олиш мумкин.

## БИР УМРЛИК ЖАЗО

**ФИФА келишилган учрашувларда иштирок этгани учун 41 нафар Жанубий кореялик футболчини бир умрга спортдан дисквалификация қилди, дея хабар тарқатилди ташкилотнинг расмий сайтида.**

ФИФАдан аввал Жанубий Корея футбол федерацияси ҳам тартиббузарларга нисбатан айнан шундай жазони қўллаганди. Халқаро ташкилот эса мамлакатдаги мутасаддиларнинг қарорини қўллаб-қувватлади. Бу ҳолат бир зумда бутун дунёда чинакам шов-шувга айланиб кетди.

Энди айбдор спортчиларнинг бирортаси ҳам расмий мусобақаларда иштирок этолмайди. Аммо уларнинг 21 нафарида ҳали "миллионлар ўйини"га қайтиш имкони бор. Улар мазкур жиноятларда беихтиёр қатнашган ва 2 ёки 5 йиллик тақиқдан сўнг яна футболчилик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Унга қадар 200 дан 500 соатгача жамоат ишларида меҳнат қилади.

## ЖОКОВИЧНИ КИМ ТЎХТАТАДИ?

**14 январь куни Австралиянинг Мельбурн шаҳрида теннис оламидаги энг йирик халқаро турнирлардан бири Австралия очиқ чемпионати старт олади. Йил бошидаги жиддий синов ракеткачиларнинг мавсум давомидаги кайфиятига таъсир этиши мумкин.**

Эркаклар ўртасидаги тенгсиз спортчи учун аталган бош совринга дунёнинг энг кучли теннисчиси, "Australian Open"нинг амалдаги ғолиби Новак Жокович (Сербия) асосий даъвогар сифатида эътироф этилмоқда.

Шунингдек, Рожер Федерер(Швейцария) ҳамда Энди Маррей (Буюк Британия) иштирокидаги матчлар ҳам муросасизлик борасида халқаро турнирни безаши муқаррар. Э.Маррей анчадан буён Австралияда. У яқинда Брисбенда кечган халқаро турнирда зафар қучганди.

Қолаверса, Давид Феррер(Испания), Томаш Бердих (Чехия), Хуан Мартин Дель Потро(Аргентина), Жо-Вильфрид Цонга(Франция) ва Янко Типсаревич(Сербия) ҳам осонликча мағлубиятга учрамайди.

## ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБАЛАР

**Кўҳна қитъада баскетбол бўйича Евролига баҳслари давом этяпти. Турнир кутилмаган натижаларга бой бўлмоқда. Бир тур олдин "Химки" жамоасига имкониятни бой берган "Барселона" клуби навбатдаги турда "Сан-Себастьян Гипускоа"га қарши майдонга чиқди.**

Мағлубиятдан тегишли хулоса чиқарган каталонияликлар сан-себастьянликларни йирик ҳисобда (98:50) мағлубиятга учратди.

16 гранд жамоа иштирокидаги турнирнинг 3-турида "Каха Лабораль" туркларнинг "Бешиктош"ини осонликча енгди ва якуний ҳисоб 77:51 кўринишини олди. Мазкур матчда Брэд Олесон ўз жамоасига 13 очко келтирди. "Бешиктош" таркибида эса Даниэль Юинг 12 очко ишлади. Қолган баҳсларда қуйидаги натижалар қузатилди: "Панатинаикос"—"Уникаха" 78:73, "Маккаби"—"Фенербахче" 91:73.

**Ҳурматли Зуҳра ЎТАЕВА!**

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан муборакбод этамиз.

Оқдарё туманидаги 6-мактабда узоқ йиллик заҳматли фаолиятингиз таҳсинга лойиқдир. Оила аъзоларингиз ва шогирдларингиз бахтига доимо омон бўлинг. Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, ёш авлод тарбияси йўлидаги меҳнатингизда улкан зафарлар тилаймиз.

**Ҳурмат билан фарзандларингиз ва шогирдларингиз.**

# БУНЁДКОРЛИКЛАР БЎЙ КЎРСАТАЁТГАН ЮРТ

## Унда касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг ҳам ҳиссаси бор

Бугун мамлакатимизнинг барча гўшаларида янгидан-янги замонавий иншоотлар қад ростлаб юртимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Бунёдкорлик ишлари натижасида нафақат шаҳарларимиз, балки қишлоқлар қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, замонавий ва сифатли уй-жойларни қуриш, ижтимоий соҳа объектларини барпо қилиш, янги инфратузилмаларни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, табиий иқлим шароитлари, шу билан бирга, замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай қилиб барпо этилаётгани юртдошларимизни қувонтираётир. Бу каби ҳайрли ишлар "Обод турмуш йили"да ҳам давом этиб, 2013 йили қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича яна 10 мингта уй барпо этилиши кутилмоқда.

Қувонарлиси, юртимизда бу каби бунёдкорликларда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ҳам ҳиссаси бор. Улар бино ва иншоотлар қурилишини амалга ошираётган пудратчи корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаб, ишга жойлашмоқда. Мустақиллик иморатларига ғишт қўяётган ҳар бир кичик мутахассис билан суҳбатлашсангиз улар қалбида касбидан, қизиққан соҳаси бўйича билим олиш учун яратилган имкониятлардан фахр ва миннатдорлик ҳисси жўш ураётганининг гувоҳи бўласиз.

Ана шундай кичик мутахассисларни тайёрлашда ўзига хос тажриба тўплаган Тошкент қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежида ўқувчиларни танлаган соҳалари бўйича мустаҳкам билим, малака ва кўникмага эга бўлишлари учун барча шароитлар яратилган. Касб-ҳунар коллежида 5та устахона мавжуд, бўлиб, улар энг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Масалан, коллежнинг "Сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш" йўналиши устахоналарига 2010-2011 ўқув йилида Германия тараққиёт банкининг имтиёзли кредити асосида замонавий жиҳозлар келтирилган бўлса, "Қурилиш ва пардозлаш ишлари" йўналиши устахонасида дунёнинг кўзга кўринган "Knauf" фирмасининг ўқув дастгоҳлари ўрнатилган. Ушбу жиҳозлар кичик кадрлар тайёрлашда меҳнат бозори билан қадамма-қадам юриш имконини бермоқда.

**Аброр УМАРҚУЛОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

Ma'rifat

*TA'SIS ETUVCHILAR:*

*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.*

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

INDEKS: 149, 150. Г-118.
Tiraji 68198.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflga qaytarilmaydi.*

*Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar:
Ma'mur AHLIDINOV,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Nasiba ERXONOVA.

Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

*«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.*

Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни — 21.15
Topshirildi — 22.40